

УМИД БЕКМУХАММАД



Сургун

94(575.171)/Б-49



十

一

二

三

四

五

六

七

八

九

十

十一

十二

十三

十四

十五

ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ

УМИД БЕКМУҲАММАД

СУРГУН

(СОВЕТЛАРНИНГ ХОРАЗМДА АМАЛГА ОШИРГАН
ҚУЛОҚЛАРНИ СУРГУН ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ. СУРГУНДАГИ
ҚУЛОҚЛАР ҲАЁТИ)

Маъсул муҳаррир: Р.Т.Шамсутдинов- Андижон Давлат
Университети гузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи
директори, тарих фанлари доктори, профессор.

Такризчилар:

Бахтиёр Расулов – тарих фанлари доктори, профессор,
Неъматжон Полвонов – тарих фанлари номзоди, доцент
Юлдуз Раҳмонова – тарих фанлари номзоди.

Гурман
Курбонжонлар
Умидбек
Бек

“Қуванчбек - Машхура” МЧЖ нашриёти
Урганч – 2020 йил

УЎК 94(575.171)

КБК 63.3(5Ў)

Б-49

Бекмуҳаммад, Умид.

Сургун [Матн] : / У. Бекмуҳаммад. - Урганч: Куванчбек
Машхура, 2020. 60б.

Хурматли китобхон!

*Кўлингиздаги ушбу тўпламда Хоразмда амалга
оширилган қулоқлаштириши компанияси ва уларнинг
сурғундаги ҳаёти тасвирланган.*



ISBN 978-9943-6416-1-7

© Умид Бекмуҳаммад “Сургун”

© “Куванчбек-Машхура” МЧЖ нашриёти, 2020 й.

МУҚАДДИМА

Қуйи Амударё бўйларида жойлашган Хоразмнинг иқтисодий ҳаётида деҳқончилик муҳим роль ўйнаган. Хоразмликлар асрлар давомида юксак деҳқончилик маданиятига эришган ҳолда, кўпгина давлатларга кишлок хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиб туришган.

1920 йилдан воҳада Хива хонлиги тугатилиб, совет мустамлакачилиги ўрнатилганидан кейин эса, асрлар давомидаги деҳқончилик маданияти ва хусусий мулкка барҳам берилиши кишлок ҳаётини ўзгартириб юборди.

1929 йилдан кейин советларнинг зўрлик билан оммавий равишда ўтказилган коллективлаштириш сиёсати Хоразм кишлокларидаги тарихий ривожланишнинг соғлом жараёнларига тўсқинлик қилди. Коллективлаштириш деҳқонларнинг совет давлати томонидан асоратга солинишга олиб келди. Колхозларга мажбурий киритилган деҳқонлар барча асосий фуқаролик ҳуқуқларидан ва кўп йилларгача энг аввало бошқа жойга ўз ихтиёри билан кўчиш эркинлиги, касб фаолиятини танлаш ҳуқуқларидан маҳрум қилиндилар.

Коллективлаштириш натижасида мажбуран ташкил этилган колхоз тизими ердан фойдаланишнинг ярқисиз шакли бўлиб, охиросида аграр соҳадаги ишлаб чиқаришни таназзулга олиб келди. Совет давлатининг кишлокдаги азалий анъанавий хўжалик алоқалари тизимига ёппасига аралашуви, кишлок хўжалиги учун мутлақо зарарли бўлган социалистик муносабатларнинг мажбуран тикиштирилиши, мустақил ривожланишнинг ички имкониятларини барбод қилиб, кишлок меҳнатқашлари онгининг тубанлашувига, колхозчи деб аталган деҳқонларнинг ерга ва ишлаб чиқаришга эгалик туйғусини, асрлардан буён давом этиб келган меҳнатсеварлик фазилатларининг йўқолиб боришига, улардаги меҳнатга, касб маҳоратига бўлган меҳр-муҳаббатнинг совиб кетишига, расмиятчилик ва кўзбўямачиликнинг келиб чиқишига сабабчи бўлди.

Юқоридаги фикрларнинг таҳлилидан ва шу хулосалардан келиб чиқиб, тарих фанида айнан Хоразмда советларнинг мажбурий ўтказилган коллективлаштириш ва у билан боғлиқ ҳолдаги қулоқлаштириш сиёсати, қулоқларнинг ўзга ҳудудларга сургун қилинишини тадқиқ қилиш ҳануз долзарб бўлиб турибди. Шулардан келиб чиққан ҳолда архив ҳужжатлари ва бошқа манбалар асосида Советларнинг қулоқларни Хоразмдан сургун қилиш сиёсати ва қулоқларнинг ўзга ҳудудлардаги ҳаётини ёритишга ҳаракат қилдик.

Рисолада ўша даврдаги расмий ҳужжатларда бошқарув тизими (масалан: ВКП(б), ЎЗССР, райқўм ва бошқалар) ҳамда ҳуқуқ тартибот ташкилотлари (масалан: ОГПУ, НКВД, ГУЛАГ ва бошқалар) қандай номланган бўлса, шундай ёзилди.

ҚУЛОҚЛАРНИ СУРГУН ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ ВА УНГА ҚАРШИ ДЕХҚОНЛАРНИНГ НОРОЗИЛИК ЧИҚИШЛАРИ

“Уч қисмли (индустрлаштириш, коллективлаштириш, маданий инқилоб) социализм куриш дастурининг муҳим қисми бўлган коллективлаштиришнинг амалга оширилиши совет даври тарихидаги энг зиддиятли воқеалардан биридир. Аммо у ҳақдаги бор ҳақиқатни айтиш, ёзиш, моҳиятини очиқ бериш имкони совет даврида йўқ эди. Коллективлаштириш жуда катта жисмоний, маънавий-рухий йўқотишларга олиб келди. Бу жараёнда мислсиз кенг кўламда қатағон сиёсати олиб борилди, қабул қилинган қарорларни ҳаётга тадбиқ этиш муддати, суръат ва услубларида бузилишлар юз берди. Энг муҳими, қишлоқ хўжалигини юритишнинг вақт синовидан ўтган анъанавий тизими бузилиб, деҳқон батамом давлатга қарам бўлиб, хўжалик юритиш жараёнида ижодий иштирок этиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолди” (Р.Шамсутдинов, М.Абдуллаев “Ўзбекистонда коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва деҳқонларни сургун қилиш: мақсад, тажриба ва оқибатлар”, “Водийнома” журнали. (2017 йил 3-сон, 36-37 бетлар).

Натижада 1929 йилдан бошланган Советларнинг махсус режа асосида ўтказётган коллективлаштириш ва қулоқлаштириш сиёсати қишлоқлардаги ахволни таранглаштириб, вазиятни издан чиқарди. Чунки, марказдан келган қарор ва директивалар воқелиқдан узоқ бўлиб шароитни англамаганликдан, қолаверса юз бераётган жараёндан тўғри хулоса чиқармаганликдан эди.

Ана шу ҳолат, қолаверса, юқоридаги қарор ва директиваларни бажариш жараёнида йўл қўйилган хато ҳамда камчиликлар қишлоқларда ғалаёнларни келтириб чиқарди.

Хусусан, 1930 йил 1-15 февраль кунлари давомида Ўрта Осиёнинг турли жойларида коллективлаштириш ва қулоқлаштириш сиёсатига қарши 12 та чиқишлар бўлиб ўтади.

Жумладан шу кунлари Хоразмда ҳам 1 жойда ғалаёнлар содир этилган ва унда 100 киши иштирок этганди. Ўша даврдаги партия

ва ҳуқуқ тартибот органлари бундай чиқишларни террорчилик деб баҳолашганди.

Ана шундай чиқишлар бора-бора кўпайиб, 1930 йилнинг январь ойи охири ва февраль ойи бошларида Хоразмнинг Хонқа туманидаги Сарапоён, Урганчининг Чондир қишлоқларида юз бериб, ғалаёнчилар “Йўқолсин колхозлар”, “Совет ҳокимияти кооператив ва колхозлар тапқил этмаслик ҳақида тилхат берсин”, “Эски усулдаги мактаблар тиклансин” деган талабларни илгари суришган.

Шунингдек, ўша йилнинг 10 март куни Хива, Янгиариқ ва Гурлан туманларида ҳам оммавий чиқишлар юз беради.

1930 йил январь-февраль ва март ойларида Ўрта Осиёда ана шундай ғалаёнлар кўпайиб содир этилиб, архив маълумотларига кўра, 25 февралгача Ўрта Осиё бўйича 33 та чиқишлар содир бўлиб, унда 14170 киши иштирок этган бўлса, 17 мартгача 98 марта ғалаёнлар юз бериб, унда иштирок этувчилар сони 42743 кишини ташкил қилган.

Ўзбекистон бўйича эса 25 февралгача бўлган муддатда 27 та ғалаён содир қилинган бўлиб, ундаги иштирокчилар сони 13280 кишини, 17 мартгача бўлган пайтда эса 78 маротаба ғалаёнлар бўлиб ўтиб, 33873 киши унда иштирок этганди.

Энг чекка округ бўлган Хоразмда эса 25 февралда 3 та исён бўлиб, ундаги ғалаёнчилар сони 550 кишини ташкил этган, 17 мартгача бўлса яна 5 та ғалаён содир бўлиб, унда 2900 киши иштирок этганди. (РИСТТДА, 62 фонд, 2 рўйхат, 2141 иш, 125-127 бетлар).

Бўлиб ўтган ғалаёнлар ҳақидаги тезкор маълумотномалардан бирида, “Хоразм округи Шовот тумани атрофидаги қишлоқлардан 14 март куни эркаклар ва аёлларнинг уюшган гуруҳлари оқиб келмоқда. Кечга бориб минг киши тўпланди” (ОГПУ раҳбариятининг И.В.Сталинга ёзган маърузаномасидан : РФХХМА, 2 ф, 8 рўйхат, 3 иш, 181 бет) дейилади.

Хоразмда бўлиб ўтаётган бундай кўзғолончилик ҳаракатлари 1930 йилнинг март-апрель ойларида кўпни бўлган

Қорақалпоғистоннинг Шаббоз туманида ҳам содир этилади. Шу тумандаги 406 хўжаликни ўз ичига олган “Бирлик” 202 та хўжаликни бирлаштирган “Маданият” овулларида, Тўрткўл туманининг Сарибий қишлоғида ҳам ғалаёнлар бўлиб ўтади. Ғалаёнда қатнашган аксарият хотин қизлар “Колхозлар бизга керак эмас, қувғин қилинганлар, бой ва рухонийлардан тортиб олинган нарсалар қайтариб берилсин”, “Қамалганлар озод этилсин” каби шиорлар билан чиқишади. Улар хаттоки, қўлларига таёқлар, белкуракларни олиб мактаб ичкарасига бекиниб олган совет “фаол” ларига хужум қилганлар. (Я.Абдуллаева, “Қорақалпоғистонда совет ҳокимиятининг мажбурий колхозлаштириш сиёсати ва қишлоқ аёлларининг қатағон қилиниши, “Ўзбекистон тарихи” Т , 2002 йил 2 сон).

Жумладан, “1930 йил 31 январь куни Янги Урганч тумани Чондирқийёт қишлоғида исён кўтарган оломон совет фаолларини қалтаклагани, февраль ойи бошларида Хонқа тумани Сарапоён қишлоғида болта, таёқлар билан қуролланган 300 кишилиқ аёллар оломони, ҳамда яна шу ой давомида Урганч туманидаги Али Дўрмон қишлоғида эшонлар томонидан, айнан аёллар орасида коллективлаштириш ва қулоқлаштиришга қарши тарғибот ишлари олиб борилади”. (РИСТТДА. 62 фонд, 2 рўйхат, 2140 иш, 27-28 бетлар).

Жойларда советлар сиёсатига қарши ана шундай ғалаёнлар авж олган бир пайтда – 1930 йил 30 январда СССР ОГПУ коллегияси томонидан ОГПУ доимий вакилликнинг кенгаши чақирилиб, унда қулоқлар бўйича операцияларнинг барча масалалари, жумладан, 2-тоифали қулоқларни кўчириш тўғрисида директива ОГПУнинг 2 февралдаги 44/21 сонли буйруғи билан берилган эди.

Унда аксилинқилобий қулоқлар (1 тоифали) дарҳол тугатилсин, операция 2-тоифали қулоқларни кўчириш бўйича кампанияни авж олдиришнинг бошланишига қадар асосан тугалланиши керак, деб кўрсатилган эди. Энг бой қулоқларни (собик помещчиклар, ярим помещчиклар, маҳаллий обрўли қулоқлар ва қулоқ оилаларнинг барчасини) ва уларнинг оилаларини (биринчи навбатда ёппасига

коллективлаштириш ҳамда чегара посёлкаларида), (2-тоифали) СССРнинг шимолий районларига оммавий кўчириш ва уларнинг мулкларини мусодара қилиш кўзда тутилди.

2-тоифали кулоқлар ва уларнинг оилаларини кўчириш бўйича операцияларга раҳбарлик этиш учун, яъни кўчирилаётганларни танлаб олиш ва кулоқ қилишни ўтказишни пухта кузатиб туриш учун) жойларда тезкор “учлик”лар ташкил этилиши, кўчирилаётганларни қабул қилиш, ҳисобга олиб бориш ва узлуксиз жўнатиб туриш учун комендантлар бошлиқ йиғув пунктлари тузиш кўрсатиб ўтилганди. Туманлар ва округларга эса кулоқлар ва уларнинг оилалари рўйхатини тузишни (кўчириш ва мулкларини мусодара қилиш) ҳамда кўчириш бўйича кампанияни ўтказишни пухта таъминлаш вазифаси юклатилди. Кулоқларни кўчириш жойларда маҳаллий партия, комсомол, совет, ишчи ва батрак-камбағаллар фаоллари томонидан ўтказилиши ҳам директивада таъкидлаб ўтилганди. Кўчирилаётганларнинг мулкларини мусодара қилиш жойларда ижроқўмлар йўли билан Марказ директиваларида белгиланган тартибда туман ижроия комитетлари вакиллари томонидан амалга оширилиши кераклиги ҳам кўрсатиб ўтилганди.

Кўчирилаётганларга жўнатилиш чоғида уларга белгиланган норма доирасида ўзи билан бирга мулкни ва озик-овқатлар олишга рухсат берилган. Кўчирилаётган кулоқ оилалари ўзлари билан болта, арра, белкурак, дурадгорлик асбоблари ва озик овқатлар (икки ойга етарли даражада, ҳар бир оила учун 25-30 пуддан ошмаган ҳолда) олиши керак бўлган.

ОГПУнинг меҳнат бўлимлари органларига йил давомида соқчиликни ташкил қилиш, кўчирилаётганларни қайнатилган сув билан узлуксиз таъминлаш, станцияларда овқатланиш пунктларини ташкил этиш, навбатчилик йўли билан тиббий хизмат кўрсатиш вазифаси топширилади.

ВКП(б) МК нинг 1930 йил 30 январдаги юқоридаги қарори тарқатилиши билан кулоқ қилиш, қамоққа олиш ва кулоқ қилинганларни сургун этиш кенг авж олдириб юборилди. Бундан ташқари СССР Марказий Ижроия Комитети ва Халқ комиссарлари

Совети 1930 йил 4 февралда “Ёлпасига коллективлаштириш туманларида қишлоқ хўжалигини социалистик қайта қуришни мустаҳкамлаш ва қулоқларга қарши кураш юзасидан тadbирлар тўғрисида” қўшма қарорини чиқаради.

“Унга кўра қишлоқ хўжалигини социалистик қайта қуриш учун энг қулай шароитларни таъминлаш мақсадида совет давлати ва ҳукумати ёлпасига коллективлаштириш туманларида ерни ижарага олишга рухсат бериш тўғрисидаги қонуннинг амал қилиши бекор қилинади, ўртаҳол дехқонларга нисбатан эса бу қондалар туман ижроия комитетлари, округ ижроия комитетлари раҳбарлиги ва назорати остида тартибга солинадиган бўлади. Ўлка (вилоят-округ) ижроия комитетлари ва автоном республикалар ҳукуматларига шу туманларда қулоқларга қарши курашда қулоқларнинг мол-мулкини мусодара қилиш ва уларни айрим туман ва ўлка (вилоят-округ) лардан сургун қилиб юборишгача барча зарур бўлган чораларни кўриш ҳуқуқи берилади. Қулоқ хўжалиқларининг мусодара қилинган мол-мулки қулоқлардан давлат ва кооператив органларига олинadиган мажбуриятларга тўлаш учун кетадиган қисмдан ташқариси қолхозларнинг бўзимас фондларига қолхозларга қирадиган қамбағал ва батрақларнинг аъзолик бадали сифатида бериладиган бўлади”. (Ўзбекистон Марказий Давлат Архиви, 837 фонд, 8 рўйхат, 311 иш, 51 бет).

Шунингдек, марказ томонидан йўриқнома ишлаб чиқилиб, уни иттифоқчи, автоном республикалар, ўлка ва вилоят ижроия комитетларига юборади. Шу билан бирга, ОГПУнинг 2 февралдаги 44/21 сонли буйруғи ва унга илова қилинган қулоқ қилиш ва уларни кўчириш бўйича операцияларни ўтказиш, ҳисоб-тергов гуруҳларининг иши тўғрисида, сургун қилинаётганларнинг шахсий варақалари, формалари, қулоқ қилинганларни ташиб келтириш бўйича йўриқномалар, бир қатор бошқа ҳужжатлар ҳам жойларга юборилади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган 30 январдаги қарорда қулоқ қилинадиганларнинг тоифалари ва миқдорий “нормалари” белгилаб берилади.

Биринчи тоифага “аксилнқилобий фаоллар”, “террор ва советларга қарши фаолият” ташкилотчилари кирган. Улар сиёсий жиноятчилар сифатида камокқа олиниши, катагон қилиниши ёки ҳатто отилиши керак эди. Уларнинг оилалари мамлакатнинг узок туманларига ҳаёт кечириш ва ишлаш учун сургун қилиниши кўзда тутилган.

Коллективлаштиришга қарши фаол курашганлар, йирик кулоқлар ва собиқ ярим помещчиклар, ўтмишда ва ўша пайтда иқтисодий қувватга эга бўлган собиқ ер эгалари, мингбошилар, йирик хон ва амир амалдорлари, бойлар ва халқ ўртасида таъсирга эга уруғ бошлиқлари, шунингдек, ОГПУ органлари томонидан отиб ташланган ва ҳукм қилинган кулоқларнинг оиласининг аъзолари ҳам 2-тоифага мансуб сифатида энг чекка, узок жойларга сургун қилиниши керак эди.

3-тоифага биринчи ва иккинчи тоифаларга киритилмай қолган барча кулоқлар ва уларнинг оила аъзолари мансуб бўлиб, улар аввал ўзлари яшаб турган ўлка ва вилоятлар ҳудудига, аммо ўзларининг хўжаликлар, турар жойларидан ташқари жойларга сургун қилиниши назарда тутилган эди. Кулоқ қилинганлар деҳқон хўжаликларининг 3-5 фоизини ташкил этилиши керак эди. Аммо 1-ва 2- тоифадагилар учун “чекланган контингент” аниқлаб берилган: мамлакатнинг асосий қишлоқ хўжалик туманлари бўйича 1-тоифа бўйича 150 минг хўжалик кулоқ қилиниб, сургун этилиши юқоридан белгилаб берилган эди.

Ёшасига коллективлаштириш туманларида кулоқ қилиш зудлик билан амалга оширилиши, қолган туманларда эса коллективлаштириш ҳақиқий оммавий тус олган сари кулоқ қилиш ўтказилиши кераклиги кўрсатилган. Зудлик билан кулоқ қилинадиганлардан уларнинг ишлаб чиқариш воситалари, ҳайвонлари, хўжалик ва турар жойлари, қайта ишлаб чиқариш корхоналари, ем ва уруғлик захиралари мусодара қилиниб тортиб олиниши кўзда тутилган.

ОГПУнинг 1930 йил 2 февралдаги 44/21 сонли буйруғи билан 1-тоифага мансуб шахслар ишини кўриб чиқиш учун ОГПУнинг

доимий вакилликларига партия ва прокуратура вакилларидан “учлик” тузиш кўрсатилган; “учлик” таркиби ОГПУ коллегияси томонидан тасдиқланган.

Кулоқлар ва уларнинг оилаларини (2-тоифа) сургун қилиш, кўчириш бўйича операцияларга бевосита раҳбарлик қилиш ҳамда операциялар бўйича барча материаллар концентрациялаш, марказнинг жойлар билан доимий алоқасини ташкил қилиб туриш учун доимий вакилликларга оператив “учлик”лар тузиш вазифаси юклатилади. Оператив “учлик”ларга, шунингдек округларда ОГПУ бўлим бошлиқлари бошчилигида “учлик”лар тузиш кўрсатиб ўтилади.

ОГПУ раиси ўринбосари С.А.Мессинг 1930 йил 6 февралда Ўрта Осиё ва бошқа миллий минтақалар ОГПУ органларига кулоқларни кўчириш бўйича операцияни максимал даражада ташкилий ва режали жиҳатдан таъминлаш тўғрисида директива йўллайди.

Унда 1- ва 2- тоифали кулоқлар бўйича операцияни ўтказишда нималарга амал қилиш кўрсатиб берилади.

Биринчидан, кулоқларни кўчириш уч ойга (феврал, март, апрель) мўлжаллангани, шу боис доимий ҳаракатда бўлиб, кўрсатилган муддатда ёшасига коллекивллаштириш туманларида кулоқларга ҳақиқий зарба бериш таъкидланади.

Иккинчидан, зарба синфийлик йўлига қатъиян амал қилиб энг ашаддий, фаол, ҳаракатдаги аксилинкилобий кулоқ унсурларга қаратилиши кўрсатилади. 1-тоифали кулоқларни қамокқа олишда, айрим жойлардагидек, қуруқ миқдор орқасидан қувилмаслигига эътибор қаратилади.

Учинчидан, “Учлик”лар иши, айниқса, олий жазо чорасини қўллашда қатъиян ўйланиб иш тутиш кераклиги ва бунда тузатиб бўлмайдиган аксилинкилобий, фаол кулоқларга зарба бериш моҳиятидан келиб чиқиб, иш кўриш кераклиги кўрсатилади.

Тўртинчидан, операция муддати чўзилиши муносабати билан кўриладиган ишлар тергови ҳар томонлама кунг билан чуқур олиб борилиши даркорлиги кўрсатилади.

Бешинчидан, зудлик билан ҳисоб китоб қилиб кўчириладиган хўжаликларни ташиш режаси талаб этилади.

Олтинчидан, туманлардаги сиёсий ҳолат тузатилаётган муҳим ишлар тўғрисидаги ахборотларни яхшилаш, ҳисобот беришда куруқ рақамлар билан чекланмасликлари ҳам кўрсатилади.

Еттинчидан, ўтказилажак операциялар кўчирилаётганлар ва фаол кулоқларнинг ҳатти-ҳаракатлари, туманлардаги сиёсий ҳолатни ушлаб туришга ОГПУ доимий вакилларининг шахсан жавобгарлиги ҳам кўрсатилган. (Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918-1939. Том 3, Книга 1, Москва РОСПЭН, 2003г, стр 150).

ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1930 йил 20 февралдаги “Коллективлаштириш ва иқтисодий қолоқ миллий туманларда кулоқларга қарши кураш тўғрисида”ги қароридан миллий туманларнинг хусусиятларига қараб иш кўришликка эътибор қаратилди. Шунга кўра, аксилинқилобий бой кулоқ фаоллар (бандитчилик, аксилинқилобий ташкилотлар иштирокчилари ва гумашталарни лагерларга қамаш, алоҳида ашаддий унсурларга нисбатан қатағоннинг олий жазоси (1-тоифадаги кулоқлар) ни қўллаш, қолган 2-3 тоифадаги кулоқ бой унсурларни ёшасига коллективлаштириш туманларидан ташқари, чегарадан узокда, лекин муайян миллий республика худуди доирасидаги энг ёмон ерларга кўчириб жойлаштириш белгилаб қўйилди.

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси 1930 йил 9 ноябрда “Кузги экиш кампаниясининг бориши ва баҳорги пахта экиш кампаниясига тайёргарлик кўриш тўғрисида” қарор қабул қилди. Ушбу қарорда ҳам ғалла экин майдонларини яшираётган, ғалла экинларининг сиқиб чиқарилишига қаршилиқ кўрсатаётган бойларга қарши қатъий репрессия қўлланилсин, улар қамоққа олинсин ва пахтачилик туманларидан кўчириб юборилсин, дейилганди. Бундан ташқари, қарорда яна бойларга қаршли пахта экиладиган ерлар ғалла экинлари билан банд қилинган бўлса, бундай ерлар улардан тортиб олиниб, колхозларга, айрим ҳолатларда эса ўртаҳол хўжаликларга бериб юбориш кўрсатиб ўтилганди.

Шу масала озгина вақт ўтиб, 1931 йил 25 февралдаги ВКП(б) МК сиёсий бюросининг йиғилишида ҳам кўрилди. Унда И.Сталин, В.Менжинский, Г.Ягодларнинг ахборотлари тингланиб, ОГПУга 6 ой муддат ичида 200-300 минг кулоқ оилаларини жойлаштириш учун кулоқ посёлкаларини аниқлаш ва кўчириладиганларни жойлаштириш учун жойларни тайёрлаб кўйиш вазифаси топширилди. Кулоқ қилинганларни кўчириш ва жойлаштиришни назорат қилиш СССР халқ комиссарлари раиси ўринбосари А.А.Андреевга топширилади. Кулоқларни кўчириш билан боғлиқ барча масалаларни ОГПУ, А.А.Андреев билан, у бўлмаган ҳолда эса, В.М.Молотов билан келишиб иш кўриш юқоридаги мажлис қарорида таъкидланганди. Шу йиғилишда яна А.А.Ждановнинг кулоқларни кўчириш тўғрисидаги илтимоси қондирилган эди. (РИСТТДА, 62 фонд, 1 рўйхат, 738 иш, 1-5 бетлар).

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили Л.Г.Миронов 1931 йил 25 мартда Тошкентга Е.Г.Евдокимовга телеграмма йўллаб, унда Ўрта Осиё бюроси 6 мартда икки тоифадаги бойларнинг биринчисини репрессия қилиш, иккинчисини кўлхозлар массивларидан ташқарига кўчириш ҳақида қарор қилгани ва бу ҳақда 17 мартда Евдокимовга хабар қилингани айтилган. Ўрта Осиё бюроси бойларнинг Украина ва Шимолий Кавказнинг пахтачилик туманларига кўчирилишига қарши эмаслиги ҳам қайд этилганди.

1931 йил 18 мартдаги А.А.Андреев бошчилигидаги мажлисда яна кулоқлар мавзусига қайтилиб, унда “кулоқларни Ғарбий Сибирь ўлкасига сургун қилиш тўғрисида”ги масала кўриб чиқилади. Қабул қилинган қарорга мувофиқ, 1931 йилнинг май, июнь, июль ойларида Ғарбий Сибирь ўлкасининг шимолий туманларига 40 минг кулоқ хўжаликлари кўчириладиган бўлди.

“Ўша йилнинг 31 мартада А.А.Андреев томонидан яна мажлис чақирилиб, Ўрта Осиёнинг ичкарасидан бойларни кўчириш масаласини кўриб чиқиб, ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросига Ўзбекистон, Туркменистон ва Тожикистондан бойларни минтақанинг ўзининг ички ҳудудлари доирасида кўчиришга рухсат

беради. Аммо кўчирилалиганларни чегарадан узокликдаги республикаларнинг шимолий қисмига жойлаштириш мажбурияти юклатилади". ("Трагедии советской деревни" юкоридаги нашр, Том 3, стр 98).

Марказ томонидан кулоқлар масаласида назорат катъий олиб борилиб, ОГПУ раиси ўринбосари Г.Г.Ягода 1931 йил 10 июлда Тошкентга, ОГПУ вакили Г.П.Матсонга телеграмма йўллаб, кўшимча тарзда ушбу билан маҳаллий миллат бойларини кўчириш операциясини амалга оширишда:

Биринчидан, ниҳоятда қаттиқ назоратни максимал таъминлаш учун барча чоралар кўрилсин, ҳақиқатдан ҳам кулоқ бой унсурлар синфийликдан келиб чиқиб пухталиқ билан танлаб олинсин, кўчиришда ҳар қандай хатоларга йўл қўйилмасин;

Иккинчидан, ўз таркибида собиқ қизил партизанлар, қизил гвардиячилар, қизил армия командирлари, партия, комсомол аъзолари, ишлаб чиқариш билан боғлиқ ишчилар, алоҳида хизматлари бўлган шахслар бор оилалар ҳар қандай шароитда ҳам кўчирилмасин.

Учинчидан, кулоқ бойларни кўчириш асосан пахтачилик туманларида, пахта етиштиришни биладиган жойларда амалга оширилсин;

Тўртинчидан, кўчириш операциясини бошлаш муддати кўчириладиганларни жойлаштириш жойи аниқлангач, бир-икки кун ичида кўшимча хабар қилинади. (Россия Федерацияси Давлат Архиви, 9479 ф, 1 рўйхат, 3 иш, 89 бет).

Ана шу масалада Г.Г. Ягода 1931 йил 11 августда ОГПУ вакили Г.М.Матсонга йўллаган меморандумида, Г.М.Матсон томонидан белгилаб қўйилган бой кулоқ хўжаликларни эшелон билан жўнатиш йўналиши тасдиқлангани билдирилган.

Шунингдек, кўчирилаётган бой хўжаликлар миқдорини кўпайтириб юбормаслик, 6 минг хўжалиқдан ортиқ миқдорда хўжалик кўчирилмаслиги, сургун қилинаётганларни эшелон-эшелон қилиб жўнатишнинг аниқланган режасини юбориш зарурлиги талаб қилинган. Марказ ва ОГПУ томонидан

ташқиллаштирилган бу ишлар жойларда тезлик билан ижро қилинган. Шу билан баробар, Ўзкомпартия МК 1931 йил 1 августда кулоққа тортиш ва сургун қилиш бўйича 20 кишидан иборат, 6 августда эса яна қўшимча 5 кишидан иборат вакилларини жойларга хизмат сафарига йўллайди. Бироқ вакиллар юборилган округ ва туманлар ичида Хоразм ва ундаги туманлар йўқ эди. Чунки, ўша йили Хоразм ва унинг туманлари ёппасига коллективлаштириш рўйхатига киритилмаганди. Шунингдек, марказқўм томонидан “Ёппасига коллективлаштириш туманларида кулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ бўлган тадбирларни ўтказиш тўғрисида йўриқнома” ишлаб чиқади. Гарчи, Хоразм ёппасига ўша 1931 йил коллективлаштириш туманлари рўйхатига киритилмаган бўлсада, йўриқномадаги бажарилиши лозим бўлган ишлар таратдуд сифатида Хоразм учун ҳам мажбурий эди.

Йўриқномага кўра, ёппасига коллективлаштириш асосида кулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ бўлган тадбирлар туманларда МИКнинг вакили раислиги остида (у айни вақтда Марказий Комитетнинг вакили ҳамдир) туман комитетининг котиби ва ижроқўмнинг раиси таркибида “Учлик”лар ташқил қилиш орқали ўтказилиши кўзда тутилган. Бу тадбирлар муайян туманнинг бутун ҳудудида бир вақтда ўтказилиши ва 15 сентябрдан кечикмай пахта йиғим-терими бошланганга қадар тугалланиши керак эди.

Кулоқ қилиниши керак бўлган кулоқ хўжалиklarининг рўйхати туман “учлик”лари томонидан ГПУ аппарати билан биргаликда аниқланадиган ва белгиланадиган бўлди. ОГПУ органлари томонидан аниқланадиган 1-тоифали кулоқ хўжалиklари бундан мустасно эди. Кулоқ қилинадиган хўжалиklarнинг умумий сони тумандаги хўжалиklarнинг умумий сонига нисбатан 2-3 фоиздан ошиб кетмаслиги кўрсатилган.

Айрим туманларда 2-3 фоиздан ошириб юбориш ҳолларига йўл қўйиш ҳар бир конкрет шароитда фақат ЎзКП (б) Марказий Комитети бюросининг махсус қарори билан ҳал этилиши мумкин эди. Кулоқ қилиш тадбирларининг давлатга қишлоқ хўжалик хом

ашёси ва маҳсулотлари топшириш юзасидан катъий топшириқларни бажармаганликлари учун катағон қилинган кулоқ хўжалиқларига нисбатан ҳам қўлланилиши кўрсатилган. Кулоқ қилиниши керак бўлган хўжалиқлар рўйхати партия ва комсомол ячейкаларида, колхозчилар ва камбағаллар мажлисларида кенг муҳокама қилиниши ва бунда у ёки бу томонга ўзгартиришлар киритишга йўл қўйиш мумкин эмасди.

Туман “учлик”ларининг мажлисларида киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олиб, кулоқ қилиш юзасидан қабул қилинган қарорлари узил-кесил қарор бўлиб ҳисобланган. Кулоқ қилинганлар комиссияси қарорига нисбатан норозилик билдириб, ЎзССР Марказий Ижроия Комитетига шикоят қилиш мумкин бўлган. Бироқ бу шикоят уларнинг кулоқ қилиш ишини тўхтатиб қўймаган. (Р.Шамсутдинов, “Қишлоқ фожiasi” юқоридаги нашр, 192 бет)

“Туман партия комитетлари котиблари зиммасига кулоқ қилинадиган хўжалиқлар рўйхатини қаттиқ назорат қилиш, текшириш мажбурияти юқлатилган. Бундан мақсад рўйхатларга камбағал-ўртақол деҳқон хўжалиқлари киритиб юбормаслигининг олдини олиш эди. Камбағал ва ўртақол деҳқонларга нисбатан йўл қўйилган бузилиш ва чекинишлар учун ҳамма ҳолларда райком котиблари билан бир қаторда Ўзкомпартия МКнинг вакиллари ҳам жавобгар ҳисобланган.

Ҳар бир тумандан ЎзССРдан ташқарига, шунингдек, ЎзССРнинг бошқа туманларига сургун қилинадиган кулоқ қилинганларнинг сони райижроқўм қарори билан белгиланган ва у маҳаллий ташкилотлар томонидан мутлақо ўзгартирилиши мумкин эмас эди. Ўзининг таркибида янги яшаш жойига, яъни сургунга оилани таъмин этишга қодир бўлган меҳнатга яроқли эркеклар бўлган бой-кулоқлар оилалари сургун қилинган. 65 ёшдан ошган кексалар ва ногиронлар сургун қилинмаслиги керак эди”.

(Р.Шамсутдинов, “Қишлоқ фожiasi” юқоридаги нашр, 192 бет).

Ўзбекистондаги кулоқларнинг фаоллиги ҳисобга олиниб, ОГПУ органлари томонидан сургун қилинадиганларнинг рўйхати

“учлик”лар томонидан тасдиқлангандан сўнг (мажлисларда кулоқларнинг рўйхатлари муҳокама қилинганга қадар ҳам) қочиб кетишлар ва қайтадан совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат, истиклолчилик ташкил топишининг олдини олиш учун оила аъзолари–эркакларнинг камокқа олинишлари йўриқномада кўрсатиб ўтилганди. ЎзССР дан ташқарига сургун қилинаётган оилалар камида икки ойга етадиган озиқ-овқат, зарур кийим бош, оддий иш қуроллари–кетмон, болта, арра ва бошқаларни, шунингдек уй рўзғорда ишлатиладиган буюмлар билан таъминланиши керак эди. Қустар ишлаб чиқариш асбоб ускуналари, жумладан, чилангарлик, дурадгорлик, темирчилик ва бочка ясаш ускуналарини олиш ҳам йўриқномада тавсия этиб ўтилганди.

Ҳар бир оиллага ишлаб чиқариш воситалари ва озиқ овқатдан ташқари 30 пуд чамасида юк олиш белгиланган ва бунда юк юмшоқ идишда жойлаштирилиши, юкка оғир буюмлар, масалан, сури, сандиқ ва шу кабилар киритиш ман этилганди.

Ҳар бир хўжаликда 500 сўмдан ортиқ бўлмаган пул қолдирилган. Мулк мусодара қилинаётган пайтда шу оила ихтиёрида қолдирилган пуллар мусодара қилиниб, тегишли рўйхатлар билан соқчи бошлиғи томонидан янги жойлашадиган ерга келгандан сўнг қўлга қайтариб бериш учун чегара пункти комендатурасига топширилган.

ОГПУ органлари томонидан белгиланган режа бўйича юкорида баён этилган ишларни амалга ошириш туман ташкилотларининг зиммасига тушган. Ўша оилаларни тўпланадиган пунктларга олиб келиш, бундан буён юклаш пунктларини ҳам, йўлда кетишни ҳам қўриқлаш тартиби ОГПУ органлари томонидан белгиланиб амалга оширилиши кўрсатилган.

Сургун қилиш учун кулоқ қилиш ва молу мулкни мусодара қилиш ишига ҳарбий қисмлар жалб этилмай, кўчириладиган оилаларни қўриқлаш ва кузатиб бориш эса милиция, кўнгилли отрядлар, колхозчи фаоллар ва умуман қуйи совет партия фаоллари томонидан амалга оширилиши йўриқномада ақс этилганди.

AXEBOPTAKAZI
MELGAN VAQT
KIRIM № 20 Y.

ОГПУ органлари томонидан комендатураларнинг қабул қилиш ва юклаш пунктларини ташкил этиши керак эди. Туман ижроқўмлари ОГПУ органларининг буюртмаларига мувофиқ жўнатиш пунктларини зарур ва минимум озиқ-овқат маҳсулотлари, иссиқ овқат билан кунига камида камида бир марта таъмин этганлар ва чекланмаган миқдорда қайнатишган сув билан таъминлаб туришлари ҳам кўрсатилганди.

Туман соғлиқни сақлаш бўлими комендантлик пунктларининг жойлашуви ҳақидаги ахборотни олиши биланок улар устидан тегишли тиббий назоратни таъминлашлари, юкумли касаллик билан оғриганларни ажратиб олиб, уларга жиддий тиббий ёрдам кўрсатилиши шарт эди. Таркибида меҳнатга яроқли шахс бўлмаган, инқилобий хизматлари тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар топширилган ёки оила аъзолари қизил армияда хизмат қилаётганлиги тўғрисида ҳужжатлар тақдим этилган, оилада меҳнатга яроқли кексалар, касаллар, чўлоқлар ва ногиронлар йўқ бўлган ҳолатларда бундай оилаларни қабул қилмаслик мумкин эди.

Сургун қилинаётган кулоқлар контингентини саралашдаги мумкин бўлган узилишлар ва келишмовчиликларни ОГПУ органлари билан биргаликда бартараф қилиш мақсадида “учлик” нинг ОГПУ органлари билан алоқа ўрнатиш ва ана шундай шароитдагина, ОГПУ комендатуралари томонидан сургун қилинаётган кулоқлар ва уларнинг оилаларини қабул қилишдан бош тортиш ҳолларидан қутилиш имкониятига эга бўлганлар.

Бу ҳолат эса “учлик”ни ҳам, ОГПУ органларини ҳам бадарға қилиш бошлангунга қадар сургун қилинаётган кулоқлар ва уларнинг оилалари контингентини аниқлашга жуда пухта ва жиддий ёндошишни тақозо этган.

Ҳар бир сургун қилинувчилар гуруҳига туманижроқўм ёки кишлоқ совети томонидан жавобгар шахс тайинланган ва бу ҳолда кузатувчи соқчилар озиқ-овқат билан таъминланган бўлиши, унинг таркиби соқчилик қилиш давомида ҳар қандай кўнгилсиз ҳоллар, талон-тарожлик ва бошқаларнинг олдини олиш учун садоқатли партия аъзолари билан тўлдирилиши керак эди.

Йўриқномада Ўзбекистон ҳудудидаги қулоқ посёлкаларига сургун қилиш тартиби ҳам белгилаб берилган. Ўзбекистоннинг ўз ҳудудларидан махсус ташкил қилинган қулоқ посёлкаларига сургун қилинадиганларнинг таркиби ва сургун қилиш тартиби ҳам Ўзбекистон ҳудудидан ташқарига сургун қилинадиган қулоқларга нисбатан қандай қондаларга амал қилинса, уларга ҳам ўша қонда қўлланилган.

Туманлардан ташқарига сургун қилинганларнинг сони ЎзКП(б) МК бюроси томонидан белгиланган. Қулоқ қилинадиган хўжаликларнинг барча меҳнатга яроқли эркаклари Ўзбекистоннинг ўз ҳудудларидан қулоқ посёлкаларига қишлоқ хўжалик ишлари бошлангунга қадар (яъни, 1932 йилнинг баҳоригача), сургун қилиш ва улардан йирик ирригация ишлари ва бошқа қурилиш ишларида фойдаланиш кўзда тутилганди. Туман “учлик”лари қулоқ қилинаётган хўжаликларнинг бу тоифаси бўйича рўйхат тузганларида ҳар бир оиланинг меҳнатга яроқли шахси учун алоҳида рўйхат тузишлари кўзда тутилган. Бу рўйхатлар 20-25 августдан кеч қолмай Ўзбекистон КП(б) МК қошидаги марказий Комиссияга тақдим этилиши талаб қилинган.

Сургун қилиш ва соқчилик қилиш тартиби худди Ўзбекистон ҳудудидан ташқарига сургун қилинаётган қулоқ хўжаликларига нисбатан белгиланган тартибда амалга оширилиши керак эди.

3-тоифадаги қулоқларни туман ҳудудига сургун қилиш тартиби ва таркиби қуйидагича бўлган:

Туман ҳудудига, қишлоқ колхоз массивларидан ташқарига сургун қилинадиган қулоқ хўжаликларининг таркибига у ёки бошқа мулоҳазалар туфайли 1-ва 2-тоифаларга киритилмай қолган барча қулоқлар ва уларнинг оилалари киритилган. 65 ёшдан ошган кексалар, бой оилаларнинг касал аъзолари, ногиронлар ва бошқаларни ҳам сургун қилиш кўзда тутилган.

Сургун қилинаётган хўжаликлар мажбурий тартибда колхозлар массивидан ташқари ҳудудларда жойлаштирилган. Ердан фойдаланиш шакли яқка хўжалик ёки гуруҳли қилиб белгиланган. Ер участкалари меҳнат нормасидан, яъни 2 гектардан

ортиқ бўлмаслиги, ўзлари билан ишлаб чиқариш воситаларини олган хўжаликлар кузги-бахорги экин экишга катъий топшириқлар олишлари, жойлаштирилган ерларда қишга турар жойлар бунёд этишлари керак бўлган.

Туман ташкилотлари ушбу хўжаликларга ер участкалари ажратганда бирмунча яхши меҳнат сарфланадиган бўлса ўзлаштирилиши мумкин бўлган ер участкаларини ажратиб беришлари, ўзлаштиришнинг иложи бўлмаган участкаларни ажратишга йўл қўймасликлари лозим эди. Бундан аввалги йилларда ана шу каби ҳолатларга йўл қўйилган эди. Йўриқномада қулоқ хўжалиklarининг молу-мулкларини мусодара қилиш тартиби ҳам кўрсатиб ўтилганди. Унга кўра, қулоқ қилинаётган хўжаликларда ишлаб чиқариш воситалари, ортиқча ғалла ва ем-хашак, қурилишлар, қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналар (тегирмон, мойжувозлар ва бошқалар), шунингдек, олиб сотар (чайковчилик) захиралари мусодара қилинган ва уларни ўзларида керакли уй-рўзгор буюмлари (уй анжомлари, кўрпа-тўшак, тўн, чопон ва бошқалар), ҳар бир оила учун 500 сўмдан ортиқ бўлмаган пул, икки ойлик миқдордаги озиқ овқат захираси, бир бош ишчи хайвони (от ёки хўкиз), меҳнат нормасини ишлаш учун етарли миқдордаги қишлоқ хўжалик асбоб ускуналари, оилада қоладиган хайвонларни боқишга етадиган миқдордаги ем-хашак қолдирилиши керак эди.

Қулоқ қилинаётган хўжаликларда мусодара этилаётган қишлоқ хўжалик асбоб ускуналари, ғалла, ем-хашак ва бошқалар колхозларнинг бузилмас фондларига берилиши керак эди. Бу ҳолда ана шу қулоқ хўжалиklarининг давлатга қарзларини қоплаш зарурлигини ҳисобга олиш ва колхозга ўтказилаётган молу мулкнинг амалдаги қийматини назарда тутиб нарх қўйиш талаб этилган. Колхоз ихтиёрига ўтказилаётган молу-мулкнинг белгиланган нархи қулоқ қилинаётган хўжаликнинг давлатга тўлайдиган қарзи суммасидан ошиб кетса мусодара қилинаётган мулкнинг қолган қисми тўловларсиз колхозга ўтказилиши шарт эди.

Йўриқномада яна кулоқ қилинаётган кулоқ хўжаликларига қарашли бўлган бинолар ва қурилишлар, жамоат ва маданият муассасалари фойдаланиш учун акт ва рўйхатлар бўйича тегишли райижрокўмлар ихтиёрига ўтказилиши, агар бу бино ва қурилишлардан юқорида кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлмаса, улар қолхозларга берилиши ва уларнинг бузилмас фондларига киритилиши ўз аксини топган. Йўриқнома эслатмасида бу ҳақда шундай дейилади: “Кулоқ қилинган хўжалик ўз жойида (қишлоғида) қолдирилган ҳолда (алоҳида кулоқ массивларига сургун қилинмай қолдирилса) қолхознинг ер массивидан ташқарида ер ажратиб берилган ҳолда уларга унча қиммат бўлмаган қурилишларни (уйлар, бостирмалар) шу хўжаликлар учун зарур кам ҳажмда қолдириш мумкин”.

Кулоқ қилинаётганларнинг мулкани мусодара этиш ва тақсимлаш бўйича ишлар амалга оширилаётганда икки нусхада акт тузилиб, биттаси ер ишлари халқ комиссарлигига юборилган, биттаси туманнинг ўзида қолдирилган. Бунда ана шу актларнинг жуда аниқ тўлдирилишига алоҳида эътибор бериш талаб этилган. Айни вақтда уларда қурилишлар ва бошқа мусодара қилинаётган мулкларнинг белгилари яхши кўрсатилиши, тасвири батафсил акс этдирилиши, актларда ҳар бир буюм алоҳида қайд этилиши зарур бўлган.

Кулоқ қилинаётган хўжаликларнинг мол-мулкани ҳисобга олиш бўйича ишлар ва шунингдек, мусодара қилишнинг амалда ўтказилиши тегишли комиссиялар томонидан қишлоқ советлари раҳбарлиги остида қолхозлар вакилларининг албатта иштирок этиши билан ўтказилиши назарда тутилган. Туман ижроия комитетлари кулоқ хўжаликларининг мусодара қилинган мулкани мусодара қилиш тартибига кўра, мусодара қилингандан сўнг 8 кундан кечиктирмай қолхозларнинг бузилмас фондига беришга мажбур эдилар.

Савдо йўли билан (аукцион орқали) билан мулкни сотиш мутлақо таъқиқланган. Қандайдир йўллар билан мусодара қилинган мулкнинг совет ва партия ходимлари қўлига ўтиб кетишига ҳеч бир

йўл кўймаслик, бу қондани бузган айбдорлар каттик партиявий ва суд жавобгарлигига тортилишлари йўриқномада кўрсатиб ўтилганди. Хуллас, совет давлати кулоклаштириш сиёсатини махсус режа асосида олиб борган ва бу жараёнда жойлардаги “учлик” ларнинг роли катта эди. Улар томонидан эса юқорида шарҳлаб ўтилган йўриқнома асосий иш дастури тусини олган, уларни бажариш шарт ва зарур эди.

Ана шундан сўнг жойларда “Учлик” юқоридаги қарор кўрсатмаларни амалий бажариб, кўплаб инсонларнинг тақдирларига саябий таъсир этган “кулок” тамғасини босди ва уларга жазо чоралари белгилади. Хусусан, 1931 йил 16-17 октябрь кунлари Янги Урганч шаҳрида “Учлик” нинг сайёр йиғилиши ўтказилади. “Учлик” таркиби Евдокимов (раис), Болтаев, Давидов(аззо), Абдурахмонов (прокурор) дан иборат эди.

16 октябрда ўтган ўша таркибдаги “Учлик” йиғилишида Хива, Урганч, Ҳазорасп туманлари бўйича ишлар кўрилиб, Хивадан 17 киши отувга ҳукм этилади.

“Булар Матёқуб Ясовулбоши Юсуфясовулбошиев (55 ёшда, ўзбек, хон амалдорлари оиласидан, 1928 йили кулок қилинган) Полвон қози (Қизилёр қишлоғидан, 1930 йилда колхозлаштиришга қарши кучайтирилган тарғибот олиб борган), Исмоил Ражаб Ҳожи Девонов (55 ёшда, Уста, Хўжакент қишлоғидан, 1930 йилда советларга қарши тарғибот олиб бориб қамалган, кейин озодликка чиқаришган), Накиб хожи – Фахриддин Накибов (55 ёшда, Хива шаҳрида яшовчи, кулокқа тортилган, Асфандиёрхоннинг қайнотаси, 1929-30 йилларда советларга қарши тарғибот олиб борган, бир неча бор қамалган), Жонибек қушбеги Худоёр Қушбегиёв, Саъдулла Улли Тўра, Саид Абдуллахонов, Салимхўжа Хонхўжаев, Абдураим девон Матёқуб Девонов, Бобожон Эшон Улуғэшонов, Матёқуб эшон Улуғэшонов, Умаржон эшон, Абдулла эшон Мамажон Эшонов, Исаохун Мусаевлар бўлиб, улар отувга ҳукм этилган” (Р.Шамсутдинов, “Қишлоқ фожиаси”, ўша нашр, 239 бет).

Улардан ташқари яна “Учлик”нинг ўша қарори бўйича, Хоразмнинг бошқа туманларида яшовчи мулкдорлари ҳам отувга ҳукм қилинган.

Хусусан, “Урганч туманидан Худойберган Одилов, Курбонбой Сатторов, Курамбой кози, Олламберган Раҳматуллаев, Ҳазорасп туманидан Яраш Назарбоев, Айна Омонов, Раҳим Ўлдабоев, Рўзи Эшнӣёзов, Назарбой Обиднӣёзов, Ашир Худойберганов, Шовот туманидан Машарип Қаландаров, Матёқуб Қаландаров, Абдалхўжа Тоиров, Аҳмадэшон Қорахонов, Абдурахмон Аҳматов, Султон Юртмасов, Мулла Кўчай (75 ёшда), Худойберган Юсупмош (69 ёш), Абдураим Ҳайдаров (55 ёшда), Бердиев Окназар, Нурмон кимчик юзбоши Ваисов (85 ёш), Абдулла Юсуп, Ражаб Юсупов, Мулла Рўзмат Худойберганов (60 ёш), Матнӣёз Авезов (45 ёш), Худойберган Тангрибердиевлар отувга ҳукм қилинган.

Шовот тумани бўйича эса 55 кишининг иши кўрилиб, бундан 16 киши отувга, қолганлари 3,5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. 1931 йил 17 октябрь куни бўлган “Учлик” йиғилишида Шовот туманининг ўзидан Нурумхўжа Нӣёзов, Юсуфжон Худойберганов, Сафониёз Аметов, Ахтам Адам Гадов, Аллам Худойберганов, Ғойиб юзбоши Матмуродов, Мулламаткарим Санаев, Манғит туманидан эса Сафаров Юсуп, Султон Бойматов, Султонмуродов Аҳмад, Амет Матнӣёзов, Давлатмуродов Оллаберганнўс, Йўлдош Ўразметов, Мадӣёр Оллаберганов, Салим Матсафо, Ёқубов Нурмансари, Мулла Юсуф Хўжаевлар отувга ҳукм қилинган”. (У.Бекмуҳаммад “Тарихимизнинг теран тадқиқотчилари”, “Хоразм” нашриёти Урганч 2007 йил 29 бет).

Ўз ер-сувини, молу мулкни топширишни истамаган бошқа яна кўп инсонлар тақдири ҳам советлар сиёсатига қарши деган айб билан “Учлик”нинг йиғилишларида ҳал этилган.

Жумладан, “Учлик”нинг 1931 йил 11 ноябрдаги қарори билан Урганчлик Қутлигелди Атош Бобомурод Машарипов, Қўшқумбой Тухумбетов, Ёқуб Бобожонов каби жами 37 киши Хоразм ҳудудида яшашдан маҳрум этилади. “Учлик”нинг 1931 йил 21 ноябрдаги қарори билан Маткарим Оллаберганов (60 ёшда, хон оиласи

амалдорларидан, Манғит тумани Дўрмон қишлоғида яшаётган, саводсиз, партиясиз, қарамоғида хотини, 5 киши бўлган, 9 кишидан иборат кулоқлар гуруҳини ташкил этган ва раҳбар бўлган) ҳамда шу кишлоқлик Жумамурод Худойберган (45 ёшда) ўзбек, маълумотсиз, партиясиз, оилали, қарамоғида 6 жон, хўжалигида 12 таноб ери, 1 моли, 1 қўйи бўлган) ҳам отувга ҳукм этилган.

Шу билан бирга, ўз еру мулкни колхозга топшириб аъзо бўлган, аммо ижтимоий келиб чиқиши бой мулкдор, савдогар бўлган кишиларни аниқлаш, уларга чора кўриш бўйича ҳам тозалаш ҳаракати давом этдирилади. Хусусан, “Гурлан туманидаги Марбўғат кишлоқ совети раиси Сафарбой Полвонов, Горький номли колхоз аъзоси Насриддин Қосимов, Халтурин номли колхоз раиси Ибодулла Ҳасановлар ёт унсур, илгари бой авлодидан бўлганини яширган деган айб билан қамоққа олинади. Шу тумanning “Маорифчи” колхозига партбилет соясида 5 та ёт унсур: бошлиқ – раис Бой Бекмонов Худойберган, Камолов Мадамин имомўгли, Авазниёз Холниёзовлар кулоқлар билан алоқада, уларни колхозга тортган, группа тузган дея ҳибсга олинади”. (Хоразм вилоят Давлат Архиви, фонд 2, 14 иш, 103-бет).

Шу каби Хива тумани Шомохулум кишлоғилик Латиф Шарипов отасининг охун эканини яшириб совет мактабида ишлаётгани, Шарипова Лолаҳон отаси савдогар бўлганини яшириб партияга киргани учун ижроқўмдаги ишидан бўшатилиб кулоқлар рўйхатига киритилади.

“1931 йилнинг ўзидагина тозалаш тадбирлари ўтказилиши вақтида 66 киши кишлоқ совети раислигидан ёт унсурлиги, ишни яхши ташкил этмагани боис бўшатишган”. (Қ.Берегин “Практика перевиборов Советов и основные задачи партии” Урганч 1931г 81 бет)

Агар ўша даврда нашр этилган газеталарга эътиборни қаратадиган бўлсак, аксарият ҳолларда кулоқларга қарши, уларни фош этиб ёзилган мақолаларни учратиш мумкин. Масалан:

“Хивадаги Саёт кишлоғилик Курёз Аҳмад ўғли ўз хотини Саодат Ҳасан қизини сен колхозга кирмокчисан деб 1930 йил 6

февраль куни пичоқлаб ўлдирди. Қишлоқ хотин қизлари унга олий жазо талаб қилиб, қарор қабул қилдилар”. (“Инқилоб кۈёши” газетаси 1930 йил 13 март)

“Хивадаги Юсуфсўфи қишлоғининг эшони Бобожон эшон қишлоқ шўросини ўлдиришда айбланиб, 6 йил камокда ётиб чиққан бўлса ҳам, советларга, халққа, колхозга қаршиликни қолдирмади. 1930 йил 23 ноябрда шу қишлоқда колхознинг аҳамияти тўғрисида колхозчиларга тушунтириш кетаётганида, Бобожон эшон яна колхозга қирманглар деган фикр тарқатди. Қаримберган батрак унинг бу ишини кўриб қолди. Эшон эса уни тутиб урди. Омма унга энди олий жазо беришни талаб қилмоқда”. (Ўша газета, 1930 йил 10 июль).

“1930 йил округда ёт унсурлардан 111 киши, хотин қизлар озодлигига қарши бўлганлардан 21 киши, колхоз уставини бузганлар 19 нафар, диний ишларга берилганлар 15, арокхўр ва баччабозлардан 21 киши, партия топшириғидан бош тортганлар, мажлисларга қасддан келмаганлардан 41, партида бўлиб судхўрлик қилганлардан 3, гуруҳбозлик, тўрачилик ва миллатчилик қилганлардан 7 киши, жами 274 киши партиядан ўчирилди”. (Ўша газета, 1930 йил 12 февраль).

“Хиванинг Саёт қишлоғидан Султонмурод Бобомурод, Машариф Иброҳимов, Абди Саттор ўғли, 1931 йилгача “камбағал” бўлиб келди. Аловуддин эшоннинг 31 таноб ери бор, лекин ҳеч пахта экмаган. 11 иш ҳайвони бўлсада, шундан 2 таси ҳисобда. Мадраҳим Абдураҳимов эшон невараси бўлиб, ҳуқуқсиз бўлиши керак, лекин ҳуқуқи бор. Ҳасан камол ўғли, эшон билан бир уйда яшайди. 31 таноб ери бор бўлса ҳам 5 таноб ерини ҳисобга киритган”. Ўша газета, 1931 йил 21 январ).

“Хива туман Юсуп сўфи қишлоқ Кохбош масчитқавмида ўлтиримли Матёқуб оқсоқол деган муштумзўр қулоқ бўлсада, ҳозирга қадар ўрта деҳқон ниқоби остида келаяпти. У умрининг 30 йилини оқсоқоллик билан ўтказган бўлса, совет ишларига қарши бўлиб, ўтган йил тузилган колхозни бузган эди. Яқинда қишлоқ

совети райси туя сўраб борганида, уни урган” (Ўша газета, 1931 йил 15 ноябрь).

“1-Юсупсўфи кишлоғида ташкил қилинган “Комсомол” колхозига савдогар, оксоқол, босмачилар кириб олган. 1.Отоқ оксоқол. Умр бўйи чор ҳукуматининг оксоқоли бўлиб, меҳнаткаш деҳқонлар устидан данак чакқан ва улар устидан ҳукмини юргизиб ўтган, колхоз қурилишига қарши. 2. Матёқуб оксоқол. 3. Вафо Худойберганов деган кулоқ муштумзўрлар ҳам колхоз аъзоси бўлиб ниқобланган” (Ўша газета, 1931 йил 12 декабрь).

“Хивадаги Фрунзе колхозидаги Собир Шербоевнинг ўзи ким? деган саволга қисқа ва аниқроқ жавоб берганимизда, у 1931-1932 йилларгача шухрат қозонган катта босмачилардан Уста Вафонинг фаол аъзоси сифатида кўпчилик деҳқон хўжаликларини хонавайрон қилган талончи эканлиги барча оммага маълум. Шунинг учун ҳам бу шахс жиноят устида қўлга тушиб, совет судининг ҳукми билан 10 йилга қамалиб кетган эди. Қамоқ муддатини тамомлаб, кишлоққа қайтган Шербоев кимларнингдир ёрдами билан яна колхозга бригадирлик вазифасига тайинланган”. (“Коммуна” Хива туман газетаси 1938 йил 24 июнь).

1930 йиллар матбуоти шу тариқа совет давлатининг ҳозиржавоб напри даражасига чиқиб, ўтказилаётган коллективлаштириш ва у билан боғлиқ кулоқлаштириш сиёсатини ёритиб борган ҳамда юқоридаги ва шу сингари чиқишларида кулоқларни “муштумзўр” дея таърифлаган. Совет давлати эса шу ва шу сингари кулоқларни бадарға этишнинг махсус режасига қўра сургун қилиш жараёнини бошлаб юборганди. Хусусан, 1932 йилга келиб, ёппасига коллективлаштириш туманларидан ташқари бошқа худудларда ҳам оммавий равишда кулоқлаштиришни бошлаб юборди.

Бу борада 1932 йил 10 апрелда ВКП(б) МК сиёсий бюросининг махсус кўчирилувчилар комиссияси мажлисида “Кулоқларни сургун қилиш ҳақида” ги масала кўриб чиқилади.

“Ушбу мажлис қароридида қуйидагилар таъкидланган эди:

а) Жорий йил мобайнида колхозлардан тозаланган ва кулоқ қилинган 30-35 минг кулоқлар оиласини сургун қилиш зарур деб ҳисоблансин;

б) Махсус кўчирилувчилар бўйича комиссиянинг яқин орадаги мажлисида қайси туманлардан қанча оилалар сургун қилишга тегишлилиги ҳамда улар қайси ўлканинг вилоятларига йўлланиши зарурлигини аниқлаш батафсил кўриб чиқилсин;

в) ОГПУга кулоқларни сургун қилишга алоҳида синчковлик билан ёндошиш тўғрисида жойларга кўрсатма бериш таклиф этилсин;

г) ОГПУга сургун қилиш белгиланган кулоқларнинг ҳаммасига уларнинг меҳнатидан фойдаланиш юзасидан хўжалик ташкилотлари билан шартнома тузиш таклиф қилинсин;

д) ОГПУ га ўн кун муҳлатда Иттифок Молия халқ комиссарлигига сургун қилиш бўйича харажатлар сметасини тақдим этиш, мазкур сметани кўриб чиқиш ва Иттифок Халқ Комиссарлари Советига мазкур маблағни Халқ Комиссарлари Совети резерв фондидан ажратиш тўғрисида илтимоснома билан кириш таклиф этилсин. (РИСТГДА, 17 ф, 162 рўйхат, 12 иш, 106 бет).

Шунга кўра, Ўзкомпартия Марказий Комитети барча туманларга телеграмма йўллаб, улардан ўз худудларидан қанча кулоқ хўжаликлар борлиги, улардан қанчаси Адлия комиссарлиги тизимида тергов қилинаётганлиги ҳақида маълумот сўраган.

Бунга жавобан туманлардан келган маълумотларга қараганда, “республикадаги 41 та туманда 1932 йил майидаги операция арафасида 4477 кулоқ хўжаликлари бўлиб, улар орасида меҳнатга лаёқатли 1047 эркаклар бўлгани, 575 эркак республика Адлия комиссарлиги йўли билан камокқа олиниб, тергов ҳукми билан уларнинг ҳар бирига уч йилдан ошмаган камок жазоси берилгани қайд этилган.

Ана шу маълумотда “Хоразмдаги Хонқа туманида 1932 йил 97 кулоқ хўжалиги бўлиб, ундаги меҳнатга яроқли эркаклар сони 148 кишини ташкил этиши, Манғит туманида бўлса 105 та кулоқ деб топилган меҳнатга яроқли эркак борлиги, Шовотда 267 та кулоқ деб топилган эркаклар мавжуд эканлиги, Ҳазораспда бу миқдор 46

кишини ташкил этиши акс этган. Яна шу маълумотда адлия халк комиссарлиги йўли билан камоққа олиниб тергов бераётганлар ва 3 йилдан ошмаган камоқ жазоси олганлар ҳам келтириб ўтилади. Шунга кўра, Манғит туманида 7 та, Ҳазорасп туманида бўлса 13 киши ана шундай жазога тортилгани тўғрисида факт мавжуд”. (Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси Архиви, 58ф, 8 рўйхат, 292 иш, 1 бет, Р.Шамсутдинов, “Қишлоқ фожиаси”, юқоридаги нашр, 252-253 бетлар).

“Гурлан туманида эса қулоқ қилинган 193 кишининг 115 нафари камоққа олинган, 54 нафари қочиб кетган, 8 нафари эса вафот қилган, қолган 16 нафарига “қулоқ” учун қатъий солиқ мажбурияти юклатилганди”. (Юқоридаги архив, ўша иш, 6-бет).

“Ўзкомпартия Марказий Комитети эса қулоқлаштириш бўйича марказдан келган қарор ва директива, йўриқномаларни амалда қатъий бажариш учун, коллективлаштириш асосан тугалланган тумавларга вакиллар тайинлайди.

Ана шу вакиллар Хоразмга ҳам юборилган бўлиб, Ўлмасбеков Хонқага, Ҳасанов Манғитга, Эрматов Гурланга, Қурбанов Ҳазораспга, Левин Шовот, Егоров Хива, Миркомиллов бўлса Янги Урганч туманига вакил қилиб тайинланади”. (Р.Шамсутдинов, “Қишлоқ фожиаси”, юқоридаги нашр, 252-253 бетлар).

Ушбу вакиллар тегишли йўриқнома билан жойларга бориб, қулоқ қилиш ва сургун этиш ишларига партия ва ҳукумат номидан туриб раҳбарлик қилишлари керак эди. Марказқўмнинг вакиллари райкомлар ижроия бюросининг ёпиқ мажлисларида ахборот қилиб, уларнинг тавсиялари билан сиёсий “учлик”лар тузилади. Одатда, бу “учлик” лар Марказқўм вакили раислигида ташкил топиб, унинг таркибига райқўм котиби, райижроқўм раиси кирган. Вакиллар учун қулоқ қилиш ва сургун этиш операциясини ўтказишда асосий дастур, йўриқнома хизматини ўташ мақсадида, қолаверса жойларда тушунмовчилик юз бермаслиги учун 1932 йил 21 майда ЎзССР Халқ Комиссарлари Советининг 211-сонли “Қулоқ хўжалиklarининг белгилари тўғрисида” ги қарори қабул қилинди. Унда жумладан шундай дейилади:

1. Куйидаги белгилар хўжаликларни кулоқ хўжаликлари сифатида ҳисоблаш учун белгилаб қўйилсин:

а) Агар мазкур хўжалик мунтазам равишда қишлоқ ишларини корхоналарда иш бажариш учун ёлланма меҳнатдан фойдаланиб келаётган бўлса, кулоқ хўжалиги ҳисобланади, куйида (2 моддада) кўрсатилган ҳолларда ва ҳажмда ёлланма меҳнатдан фойдаланиш бундан мустаснодир;

б) Агар хўжалик ўз ерини тўла ёки қисман ижарага берса ёки чоракорлардан ишлов беришда фойдаланса. Бундан куйидаги ҳоллар мустасно:

1) Ерни ижарага ёки чоракорларга бериш 2-моддага тааллуқли эслатмада санаб ўтилган сабаблар туфайли содир этилаётган бўлса (“а” пункти);

2) Ерни ижарага бериш табиий офатлар туфайли хўжаликнинг заифлашуви натижасида содир этилаётган бўлса (хонадондаги яккаю ягона меҳнатга яроқли эркакнинг узоқ бетоблиги, ишчи ҳайвонларнинг нобуд бўлиши, ўт кетиш (ёнғин чиқиши ва бошқалар);

3) Оиладаги меҳнатга яроқли ягона эркак тракторчи, рулевик ва агрономия ходими сифатида ишга жалб қилинган бўлса ва шу муносабат билан мазкур хўжалик ўз ерини ижарага ёки чоракорга берса;

в) Агар хўжалик куйидаги манбалардан даромад оладиган бўлса;

1) Механик двигатель, шамол ёки сув кучи билан ҳаракатга келтириладиган саноат корхоналаридан, ҳайвон кучи билан ҳаракатга келтириладиган обжувоздан, шу шарт биланки, ана шу манбалардан олинадиган даромад йилига 150 сўмдан ошса;

2) Турар-жойлар ва савдо саноат биноларини ижарага беришдан, шу шарт мавжуд бўлсаки, турар-жойлардан олинадиган даромад йилига 350 сўмдан кўп бўлса, савдо-саноат биноларидан ва қурилишлардан даромад йилига 150 сўмдан ошиб кетса;

3) Савдо-сотик, савдо воситачилиги (даллолчилик), карвонсаройлардан олинадиган даромад, ана шу манбалардан олинадиган даромад йилига 150 сўмдан ва чойхоналардан

олинадиган даромад йилига 300 сўмдан ошиб кетса(бошқа меҳнатсиз даромадлар бўлмаса);

4) Савдо-саноат мақсадларида боғлардан, узумзорлардан, поляизлардан даромад олиш, уларнинг майдони $\frac{1}{4}$ гектардан ортик бўлса;

5) Судхўрликдан даромад олинса;

6) Диний маросимларда хизмат кўрсатишдан олинадиган даромад.

2. Ёлланма меҳнатдан фойдаланиш (муддатли ва кунбай) кўйидаги меъёрлардан ошиб кетмаган хўжаликлар кулоқ хўжаликлари деб ҳисобланмайдилар:

а) Республиканинг барча туманларида 160 иш куни, собиқ Хоразм округининг туманларида эса 180 иш куни деҳқончилик хўжаликларида: мазкур хўжаликларда пахтачилик фоизи шу тумандаги ўртача пахтачилик фоизидан кам бўлмаса ва шу хўжаликдаги умумий суғориладиган экин майдонининг 60% идан кам бўлмаса;

б) Республиканинг барча туманларидаги боғлар, зумзор, полиз ва шоли экиладиган хўжаликларда 130 иш куни, собиқ Хоразм округининг ана шундай хўжаликларида йилига 150 иш кунидан ошмаса, шундай шарт биланки, боғлардан, узумзорлардан, поляизчилик ва шоликорликдан олинадиган даромад хўжаликнинг бутун деҳқончиликдан оладиган даромадининг 75 фоизидан кам бўлмаса;

в) Пахтачилик фоизи 60 фоиздан кам фоизни, бироқ 25% дан куйини эмас, ташкил этган хўжаликларда 60 иш кунигача ёлланма меҳнатдан фойдаланишга, собиқ Хоразм округи туманларида эса 80 иш куни ёлланма меҳнатдан фойдаланишга йўл кўйилади;

г) Лалмикор-ғаллакор хўжаликларда 50 иш кунидан кўп бўлмаган ёлланма меҳнатдан фойдаланишга йўл кўйилади;

д) Чорвадор хўжаликларда битта ёлланма чўпондан фойдаланишга йўл кўйилади, мазкур хўжаликларда белгилаб кўйилган даромадлик нормаларига кўра чорвачиликдан олинадиган даромад бутун қишлоқ хўжалигидан олинадиган даромаднинг ярмидан камини ташкил этмаслиги керак;

е) Касб-хунармандчиликда ва корхоналарда (қишлоқ хўжалиги учун белгиланган нормалардан ташқари) йилига 60 иш куни ёки бутун йил бўйи битта шогирднинг мавжудлиги.

ЭСЛАТМА. Мазкур моддада (2) кўрсатиб ўтилган ёлланма меҳнат нормалари ошиб боради (бутун нормалар туфайли хўжаликлар қулоқ хўжаликлари деб ҳисобланмайди):

а) Оилада меҳнатга яроқли эркаклар бўлмаганда (тул хотинлар, етим-есирлар, меҳнатга яроқли ёшдан ўтган кексалар, уч гуруҳдаги ногиронлар, ҳарбий хизматчилар хўжаликлари, шунингдек, яккаю ягона меҳнатга яроқли эркак сайловларда қатнашганлиги, бир йилдан кам бўлмаган муддатга ўқишга жўнатирилганлиги оқибатида ишлаб чиқариш жараёнида иштирок эта олмаса ёки қишлоқда оммавий кампаниялар ўтказишда ундан фойдаланилса, бундай хўжалиқ шу муносабат билан ёлланма меҳнатдан фойдаланишга мажбур бўлса) ёлланма меҳнатдан фойдаланишнинг ортишига йўл қўйилади—деҳқончилик хўжаликларида йилига 360 иш кунигача, чорвадор хўжаликларда 2 чўпондан фойдаланишга йўл қўйилади.

б) Касб-хунармандчилигида битта меҳнатга яроқли киши билан ишлаб чиқаришнинг амалга оширилиши мумкин бўлмаган ҳолда (темирчилик ва аравасозликда) оилада иккинчи меҳнатга яроқли одам бўлмаган шароитда битта доимий ишчини ёллаб ишлатишга йўл қўйилади;

в) Косибчиликда ёлланма меҳнатдан фойдаланиш зарурияти оила аъзосининг узоқ муддатли бетоблиги ёки ўлими туфайли туғилган бўлса, агар унинг ўрнини оиланинг бошқа аъзоси билан алмаштиришнинг иложи бўлмаса туман комиссиясининг ижозати билан “Е” пунктида белгилаб қўйилган норма оширилиши мумкин (4-модда).

3. Қулоқ хўжалиklarининг рўйхатини тузиб чиқиш қишлоқ советлари томонидан амалга оширилади. Бу рўйхатлар колхозчилар ва якка хўжалиқ фаоллари мажлисларида муҳокама қилинади.

4. Қулоқ хўжалиklarининг рўйхатини узил-кесил тасдиқлаш райижрокўм раиси, туман назорат комиссияси ишчи деҳқон назорат раиси, туман прокурори, туман молия бўлими мудирини ва машина

трактор станцияси ва батраклар уюшмаси маҳаллий органи вакили таркибидаги туман комиссиялари томонидан амалга оширилади.

5. Қишлоқ советлари ва туман комиссиялари меҳнат хўжаликларини кулоқлар қаторига киритиб юборганлари ва кулоқларни тўла аниқлаб чиқмаганлари учун суд ва маъмурий тартибда жавобгардирлар.

6. Туман комиссияларининг қарорлари (4-модда) устидан кулоқ хўжаликларининг шикоятларини кўриб чикувчи Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети Президиуми ҳузуридаги марказий комиссияга арз қилиш мумкин. (Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви, 837 ф, 1 рўйхат, 35 иш, 41 бет).

Архив маълумотларига кўра, 1931 йилда Хоразмдаги ҳудудлар ёшпасига коллективлаштириш туманлари қаторига кирмаганлиги учун ҳам кулоқ сифатида кўчирилганлар йўқ эди. Масалан, Хива, Манғит, Гурлан, Ҳозорасп туманларигина 1931 йилда коллективлаштириб бўлинганди. Шовот тумани бўлса 76, Янги Урганч 53, Хива (шаҳри) эса 37 фоиз коллективлаштирилганди.

Туманлар мисолида оладиган бўлсак, Хивада 16031 хўжалик, Манғитда 5220 хонадон, Гурлан туманида 6861 хўжалик, Ҳозораспда 8599, Хива (шаҳри) 11653, Янги Урганчда 9228, Шовот туманида 6868 хўжалик бўлиб, Хоразм бўйича жами 89460 хўжалик мавжуд эди.

Бу вақтга келиб 1932 йилда кўчирилиши керак бўлганлар рўйхати олдиндан тайёрланиб кўйилганди. Шунга кўра Хивадан 160, Манғитдан 60, Гурландан 95, Ҳозораспдан 100, Хива (шаҳри)дан 100, Янги Урганч туманидан 85, Шовот туманидан 80 хўжалик, Хоразм бўйича эса 680 хўжалик кулоқ сифатида сургун қилиниши белгилаб кўйилганди. Бундан ташқари, 1932 йил 1 апрелда ҳибсга олинган кулоқ хўжаликлари сони ҳам архивда келтириб ўтилган. Шунга кўра, Хивадан 238, Манғит туманида 120, Гурланда 145, Ҳозораспда 132, Хива (шаҳри)да 192, Янги Урганч туманида 193, Шовотда 140, Хоразм областида эса 1160 киши ўша куни кулоқ сифатида ҳибсга олинганди.

Агарда тумандаги аҳолининг умумий миқдорига нисбатан кулоқ хўжалигининг фоизини оладиган бўлсак, куйидаги рақамлар келиб чиқади.

Хивада 0,9, Манғитда 1,1, Гурланда 1,3, Ҳозораспда 1,1, Хива (шаҳри)да 0,8, Янги Урганчда 0,9, Шовот туманида бўлса 1,2 фоиз, Хоразм областида жами 0,7 фоиз хўжалик 1932 йил 1 апрелгача “ёт унсур” – кулоқ деб топилганди (ЎзРПДА, 58 ф, 8 рўйхат, 229 иш, 81-83 бетлар).

Ўша даврда юқоридаги турли хил кулоқларни кўчириш сиёсатига тегишли қарорлардан ташқари, оддий бир воқеа ҳодисалар ҳам ўз юртидан “кулоқ” дея бадарға этилишига сабаб бўлган. Масалан, шунга оид бир факт: ҳозирда Хоразм вилояти Гурлан тумани Нукус кўчаси 87-уйда яшовчи Матюсуф Матсапов ўша давр жабрини чеккан инсонлардандир. Унинг отаси Матсафо Абдукаримов Хивадаги мадрасини битириб, Гурланнинг Ҳоживул маҳалласида имомлик қилган диний эътиқодли, зиёли инсон бўлган. Матсафо Абдукаримов Туркменистон республикасидаги Тошҳовуз вилоятининг Тозабозор мавзесидаги Матчон охун деганнинг Пошшахон исмли кизига уйланган. Коллективлаштириш ва кулоқлаштириш компанияси авж олган 1930 йилда Матсафо ўз кундалик ишлари билан банд ибодатгўй инсон эди. “Унинг кулоқ сифатида Украинага бадарға этилишига арзимас бир воқеа сабаб бўлган. Яъни, хотини Пошшахон 1930 йил баҳорида ота-онаси аҳволидан хабар олиш учун Тозабозорга кетганича, 3-4 кун ҳаяллаб қолади. Табиийки, давр ғоят таҳликали бўлгани учун, бундан хавотирланган Матсафо, қайинотасининг уйига йўл олади. У Тоза бозорга бориб, Гурлан билан масофа узоқ бўлгани учун (40 км) қайнотасиникида бир кеча тунаб қолади. Кечкурун у ташқарига чиққанида, одамларнинг жанжаллашаётган, кичкирик товушини эшитади. У шунчаки, кимлардир келишмовчилик боис урушаётгандир дея қайнотасиникига кирганича ухлаб қолади. Эртасига воқеа ойдинлашади. Кимлардир шу яқин атрофдаги дўкон қоровулини ўлдириб кетган экан. Матсафо шунда Тозабозор мавзесидагиларга тундаги кичкирик овозини эшитганини айтади.

Бу эса қотилликни текшираётганлар учун шубҳали бўлиб туюлади. Яъни, у тунда бу воқеа ҳақида хабар бермаганлиги, бошқа тумандан келганлиги, энг асосийси динга қарши тарғибот авж олган замонда мадрасани битирган имом эканлиги асосий сабаб, Тошҳовуз шаҳрига олиб кетилади.

У ерда ўтказилган терговда Матсафонинг диндор эканлиги, қолаверса хоразмликларнинг Тошҳовуз орқали Украинага бадарға этилиб турган пайтига тўғри келгани сабаб, у хотини билан бирга Тошҳовуз-Манғит-Қипчоқ орқали Амударё билан кемага миндирилиб, Оралска, у ердан Украинанинг Херсон вилоятига бадарға этилади. Бу пайтда Пошшахон ҳомиладор бўлиб, у юк товар поездиди минг машаққатлар билан Херсон шаҳри бекатига етиб келишади. Тонг сахарда, бироз вақт ўтиб, 10-15 оилани бир қилиб, кичик кемаларга жойлашади. Шу тахлит улар ўтирган кема денгизда сузганича Қора денгиз бўйидаги Скадовский портига етиб келишади. Бу ерда уларни 400 дан ортиқ бричка арава кутиб турган эди. Шу аравалардан бирига ўтирган Матсафо ва Пошшахон белгиланган Ястриба кишлоғига жўнатилади” (У.Бекмуҳаммад “Кулоқ қилинганлар ҳаёти”, “ Гурлан ҳаёти” газетаси 2008 йил 8 июль).

Шу тариқа оддий бир воқеа сабаб Хоразмлик эр хотин то 1946 йилгача Украинада яшади.

Ёки яна бир мисол. Фақатгина илгари диндор бўлганликда айбланиб Гурлан тумани Дўсимбий кишлоғилик Хоразмда доврुक қозонган эшонлар сулоласидан бўлган Бобожон маҳсум Сейдаметов (Саидмуҳаммад) (1885-1943 йил 2 апрель Тошкент) ҳам коллективлаштириш, кулоқлаштириш ва қатағон даврининг жабрини чекади. У гарчи 1930-33 йилларда Дўсимбийдаги “Коммунизм” колхозига аъзо бўлиб тинчгина меҳнат килаётганига қарамай, келиб чиқиши диндорлардан бўлгани учун аксилинқилобий тарғибот олиб борган “халқ душмани” дея қамалиб, 10 йилга озодликдан маҳрум этилади, қамокдаги азобу укубатли ҳаётдан сўнг эса Тошкент турмасида вафот этади. Бу

ҳолат совет тузумининг катагон даврдаги оддий бир дўсимбийлик деҳқон, эшон ҳаётига кўрсатган фожиали таъсири.

Бу советларнинг зўрлик билан ўтказган коллективлаштириш, қулоқлаштириш сиёсатининг нақадар фожиали кечганлигини исботловчи юзлаб воқеалардан бири.

ҚУЛОҚ ҚИЛИНГАН ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ СУРГУНДАГИ ҚИСМАТИ

Махсус кўчкиндиларнинг турмуш шароити ва меҳнат фаолияти

Ўзбекистондан, хусусан Хоразмдан қулоқ қилинганлар асосан Украинанинг Херсон вилоятига бадарға қилинган бўлиб, уларга у ерда украин хаталари ажратилган. “Бу хаталар эгалари ҳам қулоқ қилиниб, Сибирь ва бошқа жойларга кўчирма қилинган эди. Шу сабабдан хаталар ташландик, эшик, деразалари, поли йўқ, заҳ ҳолатда эди. Украин хаталари бир-бири билан туташ икки қисмдан иборат бўлиб, бирида оила яшаса, иккинчисида уй хайвонлари сақланган.” (Р.Шамсутдинов, “Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари” Т, “Шарк” 2001, 116 бет).

Табийки, умуман бошқача иқлим, қолаверса яшаш тарзига кўникиш, яшаб меҳнат қилиш ўз ватанларига ўрганиб кетган ўзбекистонликлар учун ғоят оғир эди. Ўзбеклар учун ажратилган махсус кўчкиндилар қишлоқлари дастлаб инсон яшаши қийин бўлган даштлик, очик дала ҳолатдаги хувиллаб қолган ҳудудлар эди. Ўзи билан болта, арра, кетмон, белкурак сингари иш қуроллари олиб келмаган оилаларнинг тирикчилик қилиши шу боисдан ҳам оғир кечган. Бундай оилаларнинг айримлари очлик, совук, изғирин шамолда турли касалликларга учраб вафот этиб кетишган.

Қолаверса қулоқларни сургун қилиш тезкорлик билан амалга оширилгани учун уларнинг янги ҳудудларга олиб келиниши ҳам фавқулодда кечган. Бу мавзунини чуқур тадқиқ қилган Музробжон Абдуллаевнинг фикрича, “қулоқ оилаларни сургун қилиш

“инкилобий фаоллик” билан ўтказилди. Улар юк эшелонларида ҳар бир вагонга юзтадан жойлаштирилиб сургун жойига юборилган. Вагонларда зарур шароит бўлмаган, ҳатто ичимлик суви ҳам етишмаган. Қайнатилган сувнинг йўқлиги, вагонларда одамларнинг тикилинч ҳолда узоқ йўл юриши натижасида сургунга юборилганлар орасида йўл давомидаёқ эпидемик ва ошқозон-ичак касалликлари тарқалган. Эшелонларда тиббий-санитария хизмати кўрсатилмаган. Йўл азобидан кўплаб қариялар ва болалар сургун жойига етиб келмасданок ўлиб кетган”(“Водийнома” журнали 2018 йил 2-сон, 52 бет).

Хоразмдан 1930 йилда бадарға қилинган Матсафо Абдукаримов оиласи ҳам Херсон вилоятининг Скадовский тумани Ястриба қишлоғига келиб жойлашгач, хотини Пошшахон йўлда қийналиб келгани учун туғилган чақалоғи кўп ўтмай вафот этади ва бир норасиданинг жасади ўзга элда дафн этилади. Матсафо Ястриба қишлоғидаги буғдой омборида қоровул, хотини эса колхозда меҳнат қилади. Эр-хотин у ерда Хоразмдагидек пахта, буғдой, тарвуз экиб, давлат мажбуриятларини бажариш учун тиним билмай ишлашади. 1938 йил 11 мартда оилада фарзанд – Матюсуф туғилади. Эр-хотин бу ерда кундузи пахтазорда, кечаси поли зах ердан иборат торгина кулбасида тонгача кўсак чувиб яшашган. Матсафо ва Пошшахонлар яшаган Ястриба қишлоғида уларга кўшни бўлиб, кейинчалик машхур ҳофиз бўлиб етишган Фахриддин Умаровлар оиласи яшашган. (У.Бекмуҳаммад “Кулок қилинганлар ҳаёти”, “Турлан ҳаёти” 2008 йил 8 июль).

“Сургун жойларидаги аҳвол ҳам ғоят оғир эди. Кимсасиз жойларда пала-партиш қурилган муваққат баракларда яшаш учун энг оддий шароитлар ҳам бўлмаган. Тураржойлар етишмаслиги боис ҳар бир баракка 50-60тадан киши аралаш ҳолда жойлаштирилган. Айрим жойларда эса сургун қилинганлар очик даладаги чайлаларга ёки ертўлаларга жойлаштирилган. Махсус посёлка деб аталган бу маконларда дастлабки пайтларда касалхоналар, тиббий пунктлар, дизенфекция камералари, маалаки тиббий ходимлар деярлик бўлмаган. Ҳатто кўпгина

посёлкаларда ҳаммомлар ҳам бўлмаган” (М.Абдуллаев, юқоридаги манба).

Ўзга юртлардаги меҳнат кўчкиндиларининг оғир яшаш шароитлари тўғрисида мархум Фахриддин Умаров шундай хотирлаганди: “Ўша пайтда Скадовский туманида иккита йирик пахтачилик хўжалиги ташкил этилган, “кўчманчилар”нинг асосий қисми ана шу хўжаликларда ота касби – пахтакорлик билан машғул бўладилар. Скадовскийдаги пахтакор хўжаликлар лалмикор ерларда ташкил этилган бўлиб, қора тупроқли ерларга экиладиган ғўза ёмғир билан суғорилган. Тупроқ унумдор бўлса-да, аммо об-ҳаво иссиқлиги Ўзбекистон шароитига нисбатан хийла паст бўлганлиги туфайли ғўза шохларидаги шиғил-шиғил кўсақлар очилиб улгурмасданок совук кунлар бошланиб кетарди. Кечалари торгина кулбаларга қамалиб олиб, тонггача кўсақ чувиларди. Украинанинг Скадовский туманида ташкил этилган пахтачилик давлат хўжаликлари маҳаллий аҳоли яшайдиган хуторлардан ажратиб қўйилган, “кўчманчилар” худди мавсумий мардикорлар каби ўзи билан ўзи овора эди. Ташқарида кишининг суяқларини тешиб юборадиган даражада қора совук, изғирин бўларди, кичкина печкага олов ёқиб уйни иситиш мумкин эмас. Чунки печкага ёқадиган ўтин йўқ, кўмир йўқ, факат похол ёқилади, холос. Похол “лов” этиб ёнадию ўчади, ҳеч қандай иссиқлик бермайди. Албатта, Ёйиқ тоғларининг ғарбий томонларида рўй берган қурғоқчилик янги пахтакор хўжаликларига ҳам таъсир қилади, ҳосил яхши битмайди. Пахтазор уватларига экиладиган картошка, лавлаги, ошқовоқ каби қишда бакор келадиган, қора қозонни қайнатадиган маҳсулотлардан кам ҳосил олинади. Боз устига, пахта бўйича давлат томонидан белгилаб берилган мажбурий режа ўлда-жўлда бажарилгач, дехқонларга бериладиган натура шаклидаги ҳақ ҳам чегириб ташланади.” (Н.Боқий, Ҳ,Ҳамидов “Мени ёд эт” Т, Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000 йил, 24-31 бетлар).

1931 йил июлигача кўчириб келтирилган “маҳсус кўчирилганлар” ва уларнинг барча муаммолари билан ўлка ва вилоят ижроқўмлари шуғулланганлар. Собик иттифок халқ

комиссарлари советининг 1931 йил 1 июлдаги “Махсус кўчирилганларни жойлаштириш тўғрисида”ги қарори билан уларни маъмурий жиҳатдан бошқариш ОГПУ органларига юклатилади.

“Бадарға этилган кулоқлар учун СССР ҳукуматининг 1931 йил 16 августдаги қарорига кўра ОГПУ тизимида, 1934 йилда эса НКВД тизимида ГУЛАГ (Қамок лагерлари бошқармаси) махсус (меҳнат) қишлоқлари ташкил топган. Бу меҳнат посёлкаларини бошқариш, назорат қилиш, уларга хўжалик-маиший хизмат кўрсатиш ишлари ва сургун қилинган кулоқлардан меҳнатда фойдаланиш масъулияти ГУЛАГ лар зиммасига юклатилган. Ҳар бир меҳнат посёлкасида комендатура ташкил қилинган.” (Р.Шамсутдинов, юкоридаги асар, 118 бет).

Бундай қаттиқ назорат, ўрнашган жойидан бошқа ерга бориб келиш ман этилган, паспорт бўлмаган ҳолатдаги яшаш тарзи меҳнат кўчкиндилари учун дастлаб оғир фожиали кечган. Бундан ташқари, 1932-1933 йиллардаги очарчилик, қаҳатчилик ҳам улар ҳаётига салбий таъсир қилди. Ана шундай шароитда ҳар бир меҳнат кўчкиндиси ўз қарамоғидаги оила аъзолари билан биргаликда меҳнат эвазига оёйга 9 кг ун, 9 кг крупа, 1,5 кг балиқ, 0,9 кг шакар оларди. 1933 йил 1 январдан бу норма янада камайтирилиб, оёйга 5 кг ун, 0,5 кг крупа, 0,8 кг балиқ, 0,4 кг шакар бериладиган бўлади. Бундай оз миқдордаги белгиланган меъёр инсон меҳнат қилиши учун қаноатлантирарли эмасди. Фахриддин Умаровнинг эслашича, “Ҳар куни дастурхонга мағзини сиксангиз сув томчилайдиган қоп-қора буханка кўйилса, кўзларимиз чакнаб кетарди, култ-култ ютинамиз; кўкраклари четанга ўхшаб қолган болақайларнинг аҳволини кўрган катталар юзларини четга бурадилар.” (Н.Бокий, Ҳ.Ҳамидов “Мени ёд эт” Т, Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2000 йил, 24-31 бетлар).

Бироқ ана шундай оғир фожиали вазиятда ҳам пахтага эътибор қаратилган. Аммо очарчиликдан силласи қуриган меҳнат кўчкиндиларининг рағбатлантирилмаслиги натижасида, пахта тайёрлаш қоникарсиз аҳволга тушиб қолади. Масалан, “1932 йил ҳосилини йиғиштириб олиш барбод бўлиб, бутун пахта қор остида

қолиб кетади. Бунинг сабабини текширган Одесса вилояти назорат комиссияси ва ишчи-деҳкон инспекцияси Каховский туман ижроқуми раиси Алексеенко томонидан пахтакорлар учун берилиши лозим бўлган 29 тонна буғдойни шу туманга бириктирилган вакиллар билан биргаликда ўзлаштирилиб юборилганлигини аниқлайди” (Р.Шамсутдинов, “Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари” Т, “Шарқ” 2001, 121 бет).

Аммо одамлар очлик таҳликасида яшаётган вазиятда 29 тонна ғаллани ўзлаштирган “Алексеенкога хайфсан, Скадовский, Цюрипинский ва Снегуровский туман ижроқумлари раисларига эса қатъий огоҳлантирилиш эълон қилинади”. (Р.Шамсутдинов, юқоридаги асар, 121 бет, УДВЖТМА, 1-фонд, 20-рўйхат, 6361-иш, 29-30 варақлар).

Кўчириб келтирилганларнинг оғир аҳволи ҳақида 1934 йил 26 февралда кўчириш комитетининг Украина Компартияси Марказий Комитетига, Украина ОГПУ раиси ўринбосари Кацнельсоннинг ўша йил 29 апрелдаги 2732-сонли Украина Халқ Комиссарлари Совети раиси Лљобченкога йўллаган маълумотномаларида ҳам тўхталиб ўтилган. Унга кўра, “кўчириб келтирилганлар учун уй-жой ажратишга кам эътибор берилгани оқибатида айрим хўжаликлар ерли оилаларга ижарачи сифатида жойлаштирилган, бу эса улар ўртасида носоғлом муҳит яратган. Оқибатда кўчириб келтирилганларнинг кетиб қолиш ҳоллари юз берган. Шунингдек, уларга сўнгги вақтгача уйлар берилмагани, таъмирлаш учун ажратилган бинолар таъмирланмай қолиб кетгани, оқибатда одамлар тўп-тўп бўлиб яшашлари, ҳар бир уйда 2-3 оила жойлашгани, колхоз раҳбарлари таъмирлаш учун ажратилган маблағни бошқа мақсадда ишлатишгани, сургун қилинганларда озик овқат захиралари тугаб қолган.” (УДВЖТМА, 1-фонд, 20-рўйхат, 6385-иш, 21-23 варақлар).

Шу билан бирга меҳнат кўчиндиларининг оғир ҳаёти СССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги назорат комиссияси раиси Н.К.Антиповнинг 1937 йил 13 майда Украина Компартияси

Марказқўми котиби С.Косиорга йўлланган махфий хатида шундай ифодаланган: “Пахтачилик совхозларида меҳнат учун кўчириб келтирилган ўзбеклар (трудопереселенци узбеки)га нисбатан нотўғри муносабатда бўлаётганлиги ҳақидаги ўртоқ Фейгиннинг хатини Сизга юбормоқдаман. Айни вақтда ўртоқ Черновга ахволни тузатиш учун чоралар кўришни, айбдорларни жавобгарликка тортишни таклиф қиламан”

Қуйида ана шу ердаги вазиятни ифодалаб берувчи В.Фейгиннинг Н.К.Антиповга ёзилган махфий хатидан айрим иқтибослар келтирамиз: “...пахтачилик совхозларида ўтказилган текширувда бу совхозлардаги меҳнат учун кўчириб келтирилган ўзбекларга мутлақо чидаб бўлмайдиган даражада муносабат бўлаётганлиги аниқланди. Вилоятдаги 4 та совхозда ҳаммаси бўлиб 14713 киши ўзбеклардир, улардан 8751 киши меҳнат қилмоқда (қолганлари боқиманда). Бу пахтачилик совхозларидаги асосий ишчи кучидир. Маъмурият ва таъминловчи персонал томонидан ўзбекларга бўлган муносабатни буюк давлат шовинизми деган номдан бошқа ном билан аташ мумкин эмас. Ҳамма нарсада ўзбеклар билан ўзбек бўлмаганлар ўртасидаги тенгсизлик фарқи яққол ажралиб турибди, устига-устак, ўзбек бўлмаганлар ўзбекларга қараганда ҳар доим имтиёзли мавқега эга.

Ўзбек оилаларининг аксарият кўпчилигида кроватлар йўқ, матрацлар, одеял ва ёстиқлар йўқ. Оёқ кийими ва кийим-кечак етишмовчилиги ниҳоятда аянчли аҳволда, айни вақтда совхозлардаги рус аҳолиси бундай буюмлар билан анча яхши таъминланган. Бундай аҳвол саноат молларининг етарли даражада олиб келинмаётганлиги билангина эмас, совхозлар базаларига келтириляётган моллар рус аҳолиси томонидан олиб қўйилиши билан изоҳланади. Ўзбеклар эса саноат моллари келгани ҳақидаги хабарни бундай моллар рус аҳолисига сотилиб бўлинганидан кейингина билмоқдалар.

Совхозларда галла сотиш етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги оқибатида ўзбеклар ён атрофдаги колхозлардан буғдой сотиб олишга мажбур бўлмоқдалар, сотиб олган бу

буғдойини совхозга олиб келиш учун ниҳоятда қийналмоқдалар. Чунки бу борада совхозлар маъмурияти ёрдам кўрсатишдан бутунлай бош тортмоқда. Ваҳоланки, совхозларда дон ташувчи отлар мутлақо бекор турибди. (Скадовский совхозидаги 1-база). Сотиб олиб келтирилган буғдойни ун қилиб беришдан совхозлардаги тегирмон эгалари мутлақо сабабсиз бош тортмоқдалар. Оқибатда ўзбек аёллари буғдойни келиларда туйиб ун қилиб кун кечирмоқдалар. Бундай аҳвол Скадовский туманидаги 1-пахтачилик совхозида мавжуд.

Кўчириб келтирилганларнинг рус тилини билмаганларидан фойдаланиб, уларнинг пулидан, иш ҳақидан уриб қолинмоқда, уларга ноқонуний ҳар хил жарималар солинмоқда, махсулотларга ўзлари истаганча қиммат, нотўғри нархлар қўйиб сотилмоқда. Бу аҳвол Скадовский туманидаги пахтачилик совхозларида, “Коминтерн” совхозида мавжуд.

Ўзбеклар чўчка гўштини емасликларини била туриб ўзбек бригадаларида тракторчиларга тушликни чўчка гўшtidан тайёрламоқдалар, бунинг оқибатида ўзбек тракторчилари далада тушлик қилишдан бутунлай воз кечмоқдалар (4-бўлимдаги Қаюмов бригадаси). Шуниси характерлики, назоратчимизнинг “3-бўлимда ишчилар сони қанча?” деб савол берганида бўлим агрономи Суликов “5 ишчи бор, қолганлари ўзбеклар” деб жавоб қилди.

Одамларга нисбатан бундай ноинсоний муносабатни кўчириб келтирилганлар турар жойларининг ниҳоятда аянчли аҳволда эканлигидан ҳам билса бўлади. Ўзбек оилалари нураб бораётган уйларда аянчли ҳолатда кун кечирмоқдалар. Скадовский туманидаги 1-совхозда 15-18 кв.м майдонда 8-10 киши яшамоқда. Отажон Боёзовнинг 10 кишидан иборат оиласи 18 кв.м жойда кун кечирмоқда. Нурмат Баротбоевнинг 9 кишидан иборат оиласи 15 кв. метр майдонда яшамоқда. Бу турадиган уйлар ниҳоятда ифлос, поли ердан, уй деразаларига ойна солинмаган. Хўжалик учун ёпик бўлмагани сабабли кўчириб келтирилган одамлар ўзлари яшаб турган харобдан-хароб уйларида ўзларининг шахсий майда ҳайвонларига ҳам жой бериб яшамоқдалар.

Скадовский совхозида 1933 йилдан бери ҳаммом қурилмоқда, бироқ ҳозирда ҳам тугаллангани йўқ. Фақат иккита бўлимда ҳаммом учун мосланган ёпиқ жой бор, ишчиларнинг кўпчилиги ва уларнинг оилалари эса ҳаммомда ювиниш имконига эга эмас. Хусусан, кишда бунинг ҳеч қандай иложи йўқ.

Мазкур 4 та совхоз бўйича маданий хизмат кўрсатиш учун йилига 2 миллион сўмдан иборат катта маблағ ажратилмоқда. Ўзбекларга маданий хизмат кўрсатиш иши эса мислсиз ёмон аҳволда. Ёши 16 дан 50 гача бўлган ўзбекларнинг 33 фоизи саводсиздир, шундан 610 киши (40 фоиз), яъни 16 ёшдан 30 ёшгача бўлган ўсмирлар саводсиздир. Мактаб ёшидаги болаларнинг 7 фоизи мутлақо мактабга жалб этилмаган. Ўзбек мактабларидаги таълим-ўқув ишларининг аҳолини бирор кимса текширмайди ва бу ишга ҳеч ким раҳбарлик қилмаяпти ҳам. Меҳнат учун кўчириб келтирилганларга тиббий хизмат кўрсатиш, Каховский совхозидан мустасно, ўта коникарсиз даражада.

Бундай ночор аҳвол ўзбек аҳолиси орасида туғилишга караганда ўлим миқдорини орттириб юборди. 1935 йилда 247 киши туғилган бўлса, яъни бу аҳолининг 2,7 фоизини ташкил этгани ҳолда, 407 киши ўлган (аҳолининг 4,5 фоизи). 1936 йилда 260 киши туғилди ва 291 киши ўлди ёки ўзбек аҳолиси орасида туғилиш 3,4 фоизни, ўлим эса 3,7 фоизни ташкил қилган.

Совхозларда ўзбекларнинг қочиши ўсиб бормоқда. Агар 1936 йили Каховский совхозидан 17 киши қочган бўлса, 1937 йилда эса 1-кварталнинг ўзида 16 киши қочган. "Коминтерн" совхозидан эса 1936 йилда 58 киши, 1937 йил 1-кварталида эса 35 киши қочган. Скадовскийдаги иккита совхозда 1936 йилда 25, 1937 йил 1-кварталида 11 киши қочган. Айни вақтда кўчириб келтирилган ўзбекларнинг кўпчилиги ҳалол меҳнат қилмоқда, улардан кўплари эса жуда ҳам яхши натижаларга эришди. Скадовский туманидаги 1-совхозда 1936 йили дала бригадаларига бириктирилган 532 ўзбек кишидан 71 фоизи пахта қаторларига ишлов беришнинг белгиланган нормасини режадан ошириб бажарганлар (173000 погон метрни бир киши сезон мавсумида бажариши керак эди).

Улардан режани 162 киши 150 фоиз, 173 киши 150дан 200 фоизга ва 37 киши 200 фоиздан ошириб бажарган. Пахта терими мавсумида ҳар бир кишига 16 центнер пахта териш норма қилиб белгилангани ҳолда теримчиларнинг 60 фоизи нормани ошириб бажарди. Улардан нормани 165 киши 150 фоизга, 80 киши 150 дан 200 фоизга ва 49 киши 200 фоизга ошириб бажарди.

Меҳнат учун кўчириб келтирилганларнинг кўпчилигининг ҳуқуқлари ҳозирнинг ўзида тикланди ва улар паспорт олдилар. Шу боис шароит ўзгармас экан, совхозлар ишчи кучисиз қолишлари мумкин”. (УРДВЖТМА, 1-фонд, 20-рўйхат, 7029-иш, 1-3 варақлар, Р.Шамсутдинов “Ўзбекистонда советларнинг кулоклаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари”. Т, “Шарқ” 2001, 127 бет).

1920 йилда Тошкентнинг Хонобод қишлоғида туғилган Турғун Насиб ўғли Алимухаммад “Бадарга” номли хотираларида Украинага сургун қилинганларнинг ҳаёт тарзини шундай ифодалаб берганди:” Одамлар буткул паришон,маъюс,ўта бепарво бўлиб қолган, улар учун ҳеч қандай кизиқарли нарсанинг ўзи қолмаган, эртанги кундан мўъжиза кутиш умиди ҳам сўнган, бамисоли умрлари қора зулмат остида ўтиши маҳкум этилгани муқаррардек эди. Одамлар учун кун бўйи ишлаш, ҳориб-чарчаб уйга қайтиш, очнаҳор ётиб ухлаб, тонг отар-отмас яна ишга-далага жўнашдан бошқа машғулот бўлмаган. Бир-бириникига чиқиш, ҳолидан хабар олиш, суҳбат қуриб, чакчаклашиб ўтиришлар ҳеч кимнинг ҳаёлига келмас, кўнглига сиғмас эди. Уйга кимдир меҳмон бўлиб келса, унинг олдига ушатиб қўядиган битта кулча топилмас, мезбонни мулзам қилмаслик учун ҳам кирди-чиқдилар йўқ эди. Орзу ҳавас, тўй-дабдабалар ҳам эсдан чиққан. Ўғил болалар улғайиб қолаётган бўлса-да, хатна қилишни эплайдиган сартарош топилмас, балоғатга етган ўғил-қизларнинг бошини қовуштириш йўқ. Халқимизга хос бўлган биттаю-битта одат адо этилар, у ҳам бўлса,қазоси етган ҳамюртимиз ҳаяллатмай қора тупрокка топширилар, шунда ҳам холдан тойган бор-йўғи 8-10 киши қўлма-қўл қилиб тобут кўтариб бораётган манзара сира кўз ўнгимдан кетмайди. Майит тупрокка қўйилгач, шу ернинг ўзидан ҳамма ўз уйи-юмушига тарқалар,

мусибатхонага бориб бир пиёла чой ичиш ҳам ҳеч кимнинг эсига келмас эди. Жуда чорасини топганларгина бирор коса гўжа ёки бир кафт толқон кўйиб арвоҳ хотира қилишарди. Рўзғор буюмлари-кигизлар, ўрин-кўрпаларнинг уладаси чиқиб кетган, совун сотиб олишга пул топилмасди. Совхоз худудида ҳаммом йўқ. Ястриба хуторидаги бешта кудукнинг биттасидан сув ичилар эди”. (“Хуррият” газетаси 2001 йил август, 31-32-33 сонлари).

Ўзбекистондан Украинага меҳнат учун кўчирилганлар ана шундай қийин шароитларда яшаган. Гарчи, юқоридаги хатда вазият танқид қилиниб, шароитни яхшилаш лозимлиги кўрсатилган, бу борада Украина республикаси олий советининг ташкилий комитети 1937 йил 28 декабрда ушбу масалани муҳокама қилган, вазиятни танқид қилиб 13 банддан иборат шароитни яхшилашга қаратилган чораларни белгилаб берган қарор қабул қилган бўлсада, орадан бир оз вақт ўтиб, ҳамон “Ўзбек кулок”ларининг яшаши қониқарсиз аҳволда қолаверган эди.

Яъни, ташкилий комитет ўзининг қарори ижросининг бажарилишини 1938 йил 26 апрелда кўриб чиқади. Унгача жойларга махсус комиссиялар юборилиб, Голопристан, Каховский, Скадовский туманларидаги пахтачилик совхозларида бўлиб, қарор қандай бажарилаётгани билан танишганди. Аммо пахтачилик совхозлари ва “Новий путь” артелида ташкилий комитетнинг 1937 йил 28 декабрдаги қарори бажарилмагани маълум бўлади. Иш ҳақи вақтида берилмаётгани, икки ойлик иш ҳақи ҳалигача олинмагани, уй-жойларни таъмирлаш тугалланмагани, уй-хайвонлари учун ёпик жойлар қурилмагани, оммавий-маданий ишлар жуда бўшлиги, клублар, хата, кироатхоналар, саводсизликни тугатиш мактаблари ишламаётгани, кино хизматининг йўқлиги, мактаблар ўқиғувчилар ва дарсликлар билан тўла таъминланмагани қайд этилади. Айниқса, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш етарли эмаслиги, тухомо, туберкулёз ва бошқа касалликларга чалиниш кўплиги, аммо бундай касаллар ҳисобга олинми, жойларда даволаш узлуксиз олиб борилмаётгани, тиббий персонал штати тўлдирилмаган...и ҳам кўрсатиб ўтилади. Махсус сургун қилинганларни сув билан

таъминлаш ёмон ахволдалиги, қудуқлар етишмаётгани, борлари ҳам тозаланмагани қайд қилинади.

Орадан яна бир оз вақт ўтиб ташкилий комитет Голопристан, Каховский, Скадовский туманларидаги пахтачилик совхозларида яшаётган меҳнат кўчиндиларининг турмуш шароитини яна қайтадан текшириб чиқади. 1938 йил сентябрь ва октябридаги текшириш яқунлари бўйича комиссия қуйидагича маълумотнома тайёрлайди:

“Скадовский тумани 1-пахтачилик совхозида махсус сургуни қилинганларни совхоз йил давомида меҳнат билан таъминлаб турган, аммо маош ўз вақтида берилмаётгани одатий тус олган. 1938 йил 1 сентябрига 195,8 минг сўм қарз бор. Совхоз Чолбас саноат артели билан меҳнат учун кўчирилганлардан фойдаланиш ҳақида шартнома тузган, аммо бу шартнома бажарилмаётгани, доимий ишлаб чиқариш бригадалари ташкил қилингани, бригадаларда ёшлар звенолари тузилгани айtilган. Чойхоналар жиҳозланган, таъмирланган, бироқ улардан фойдаланилмапти. Меҳнат сурғунидагилар орасида оммавий-маданий ишлар бўш олиб борилган. Улар орасида саводсизлар 328 киши, чаласаводдилар 128 киши, 150 киши саводини чиқариш учун ўқишга жалб қилинган, лекин машғулотлар гоҳо-гоҳо ўтказилган. Ишчилар матакасини ошириш мақсадида 114 кишини бирлаштирган 4 та стахановчилар мактаби ташкил қилинган. 28 кишилик бригадирлар курси очилган, тракторчилар курсига 7, шофёрликка 2 киши юборилган. 19 бригадadan 1 тасидагина тушлик овқат жорий қилинган, овқат арзон ва яхши.

Аҳолининг кундалик эҳтиёжлари ишчи кооперативи томонидан шунчаки қондирилмоқда. Савдо бинolari мутлақо яроқсиз. 3-квартал учун 243 минг сўмлик маҳсулот келтириш ўрнига 233,3 минг сўмлик маҳсулот келтирилган. Ишчи кооперативида гўшт маҳсулотлари, ем-хашак, ёғ, керосин йўқ. Совхоздаги 388 оиладan 220 тасида 124 та сигир, 74 қўй ва кўпроқ паррандалар бор. 1938 йили оилаларга ҳайвон сотиб олиш учун ёрдам кўрсатилди. Ҳайвон боқиш учун ёпиқ уйлар қуриш 60 фоизга бажарилган. Меҳнат учун

кўчирилганларнинг ҳайвонларини ем-хашак билан таъминлаш 80 фоизга амалга оширилган, холос. Ветеринария ва зоотехника хизмати қониқарсиз. Совхозда биргина ветфельдшер бор, зоотехник умуман йўқ. Ҳайвонларга ёзги ўтлоқзор ажратилмаган. Меҳнат сурғунидагиларни уй билан таъминлаш яхши эмас. Айрим квартираларда 2 та оила яшамоқда. Совхозда одамлар яшайдиган 114 та уй бўлиб, ундан 13 таси яроқсиз, улар капитал ва жорий таъмирлашни талаб қилади. Махсус сурғун қилинганларнинг 70 фоизи ёқилғи билан таъминланган, қолганларига энди келтирилади. Тиббиёт ва маориф ходимлари учун транспорт ажратилган, мактаблар учун ёқилғи келтириш мўлжалланган. Совхознинг 4-бўлимидаги чойхона ёмон жиҳозланган, ёқилғи йўқ, таъмирлашга муҳтож. Бор-йўғи учта ҳаммом бор, бироқ улар ҳам ишламайди, таъмирга муҳтож. Болалар боғчасига озик-овқат совхоз томонидан гоҳида бир ажратилади. Совхоз 1937 йил ҳосилидан 93767 кг пахта ни ташиб олган эмас, бунинг учун дирекция чора кўрмаган. Совхоз ҳудудида 21 та кудуқ бор, улардан 5 таси яроқсиз. Улар таъмирланиб тозаланмаса, совхоз аҳолиси оғир аҳволда қолади. Почта хизмати ҳам жуда қониқарсиз.

Пахта терими ва уни ташиш ёмон ҳолда. 1938 йил 1 октябрғача 420 тонна топширилган, 540 тонна терилган. Мўлжалдагига нисбатан режа 35 фоиз бажарилган. Пахта қабул қилиш пунктида секин ишлаётгани учун пахта топшириш қийин кечмоқда, пахта ортилган машиналар 2 ва ундан кўпроқ соат туриб қолмоқда. Совхоз дирекцияси пахта терилшнинг икки хил нормасини меҳнат сурғунидагилар учун 30 кг, жалб этилганлар учун 10-15 кг қилиб белгиланган. Совхоз ишчилари махсус кийим билан таъминланмаган. Чунки бундай кийимлар кооперативда йўқ. Совхоз ҳудудидаги мактабларнинг ҳаммаси таъмирдан чиққан. Ўқиш вақтида бошланган. 10 нафар ўқитувчи етишмайди. Ўзбек мактабларининг дарсликлар билан таъминланиши 60 фоизни ташкил қилади. Меҳнат учун кўчирилганлар орасида сил касаллигининг ҳар хил турлари, сифлис, кўз касалликлари билан хаста бўлганлар борки, уларни даволашнинг туманда имкони йўқ”

(Украинанинг Николаевск вилоят давлат архиви, 2764-фонд, 1-рўйхат, 32-иш, 119-120 варақлар, Р.Шамсутдинов юкоридаги асар, ўша нашр, 132-133 бетлар).

Комиссия шу каби Каховский туманидаги меҳнат кўчкиндилари яшайдиган совхозлардаги ҳолатни текширгандаям юкоридаги сингари камчиликларни учратади. Хусусан, маданий-маърифий ишлар бригадаларда ҳам, чойхоналарда ҳам яхши йўлга қўйилмаган, газеталар, журналлар йўқ. Чойхоналарда умуман иш олиб борилмайди. Касаба уюшмаси ҳам, халқ маорифи бўлими ҳам бирон иш олиб бормади. Махсус сургуни қилинганлар орасида 150 киши саводсиз, 200 киши чаласавод, улар билан машғулот олиб борилмайди. Кино хизмати деярли йўқ ҳисобида. Совхоз қошида ишлаб чиқариш малакасини ошириш ташкил этилмаган. Фақат 3 киши тракторчиликка, 4 киши шофёрликка ўқимокда. 15 та бригаддан 3 тасидагина иссиқ овқат ташкил қилинган. Ишчи кооперативи озиқ-овқат ва товарларни ўз вақтида келтирмоқда, бироқ савдо биноларининг ҳаммаси ҳам яроқли эмас.

Голопристан туманидаги Коминтерн пахтачилик совхозидаям худди бошқа туманлардаги каби камчиликлар ўхшаш бўлиб, шу билан бирга совхозда 1 та ҳаммом ва 4 та примитив душ бўлиб, улар бузук бўлган. Ишчи кооперативи транспортга ва тегишли биноларга эга бўла туриб, аҳолини энг зарур маҳсулотлар билан, яъни гўшт, консерва, ёғ, совун билан таъминлаши жуда ҳам ночор. Ҳаттоки, нон билан таъминлаш ҳам ёмон аҳволда эди. Пахта терими секин бориб, аҳолининг 15 фоизи теримда қатнашмаган. Совхоз худудида 3 та бошланғич ва 2 та тўлиқсиз ўрта мактаб бўлиб, 7 ўқитувчи, 45 фоиз дарслик егишмайди. Интернатда болалар учун чойшаблар йўқ, овқатлар ёмон аҳволда, 5-7 синф ўқувчилари пахта теримига жалб этилган. Махсус сургуни қилинганлардан 119 таси саводсиз, 146 таси чаласавод, уларга дарс ўтилмаган.

Хуллас, комиссия ўзбек меҳнат кўчкиндиларининг аҳолини ўрганиб чиқиб, уларнинг яшаш шароитларини оғирлигини таъкидлаган бўлсада, вазият оғирлигича қолаверди. Чунки, совет

мустабид тузуми меҳнат кўчқиндиларининг аҳволини, уларнинг норозилигини орттирмаслик, кўчқиндиларнинг қочиб кетишларини олдини олиш мақсадида ушлаб туриш учун текширганди. Шу боис аҳвол кейинчалик ҳам яхши тарафга ўзгармай қолаверди. 1937-1938 йилларда эса кўчқиндилар орасида ҳам қатағон сиёсати ўтказилди.

СОБИҚ ҚУЛОҚЛАРНИНГ КАТТА ТЕРРОР ДАВРИДА ҚАТАҒОН ҚИЛИНИШИ. СУРГУНДАГИЛАРНИНГ ЮРТГА ҚАЙТИШИ

Собик Иттифок Ички ишлар халқ комиссари Николай Ежовнинг 1937 йил 30 июлда имзолаган “Собик қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа антисовет элементларни қатағон қилиш бўйича операция тўғрисида”ги 000447-сонли оператив буйруғи чиққач, нафақат ўз ўлкаларида яшаётган инсонлар, балки аввал сургун қилинган, қамокда, терговда сақланаётган, уларнинг айримларининг иши тугаган, бироқ ҳали суд органлари кўриб чиқмаган кишилар ҳам “антисовет унсур” сифатида қатағон қилиниши бошлаб юборилади.

Натижада сургундаги қулоқ қилинганлар ҳам қатағонга учради. Хусусан, Херсон вилоятидаги сургунда яшаётган ўзбеклар ҳам. “НКВД нинг Голопристан тумани комендатураси меҳнат посёлкасининг коменданти Каретников 1937 йил 8 ноябрда Голопристан тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, Давлат хавфсизлик комитети катта лейтенанти Дроздовга маърузанома йўллади. Унда айтилишича, Михайловка посёлкасида аксилинкилобий гуруҳ фаолият олиб бораётгани аниқланган.” (Р. Шамсутдинов, Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. Т, “Шарқ” 2001 йил, 176 бет). Ана шу асосга кўра қамокқа олинганлар орасида қуйидаги кишилар ҳам бор эди:

Ҳожиев Гўрўғли – 1882 йили туғилган, Кўхна Урганч тумани Кўчабарин кишлоқ советидан, қулоқ қилиниб, 1931 йили Украинага сургун қилинган. У сургунда бўлатуриб совет ҳокимияти ва унинг

тадбирларига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда, ишлаб чиқаришни қўпориш мақсадида меҳнат учун қўчирилганларнинг қочишларини ташкил қилганликда, кечалари тинч аҳолини террор қилиш, кўрқитиш йўли билан шуғулланганликда айбланади.

Чаканов Авазмурод – 1912 йили туғилган. Кўҳна Урганч тумани 6-қишлоқ советидан. 1931 йили қулоқ қилиниб Украинага бадарға этилган. Унга сургундалигида қишлоқ хўжалигини барбод қилишга қаратилган аксилинқилобий иш олиб борган, меҳнат учун қўчирилганларнинг қочишларини ташкил этган, ўзи меҳнат посёлкасидан қочган, шунда ўзи билан бошқа меҳнат кўчкиндиларини олган, қочувдан қайтганидан сўнг меҳнат кўчкиндиларини ҳеч ким тўхтатмайди деган гапни таркатганлик айби қўйилади.

Тошев Шамол – 1882 йилда туғилган, Кўҳна Урганчнинг Илимон қишлоқ советидан. 1931 йили қулоқ сифатида Украинага бадарға қилинган. У сургундалигида Акимов туманида темир йўл қурилишида ишлаётганлар орасида иш ташлаш ташкил қилганликда, қишлоқ хўжалигини қўпоришга қаратилган аксилинқилобий иш олиб борганликда, қулоқларни сургундан озод қилишни сўраб ҳукуматга жамоа бўлиб ёзган хатнинг иштирокчиси бўлганликда айбланган.

Шу айблар билан Николаев вилоят ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги “Учлик” 1937 йил 20 ноябрда Тошев Шамол, Чаканов Авазмурод ва бошқа сургундаги 18 нафар маҳбуснинг ишларини кўриб чиқиб, Тошев Шамол, Чаканов Авазмуродларни 10 йил муддатга камокқа, Ҳожиев Гўрўғлини эса отувга ҳукм қилади. Отув 1937 йил 2 декабрда ижро этилади. Худди шундай ҳолатдаги қатағон Москва атрофидаги Дмитров шаҳрининг меҳнат-тузатув лагерида ҳам содир бўлган. Маълумки, пойтахт бўсағасидаги Дмитлаг лагеридаги маҳбуслар Волга ва Москва дарёларининг қўшилишини таъминловчи канал қурилишида ишлашга жалб қилинганди. “1937 йил 1 октябрда, яъни канал қурилиши тугаллангандан сўнг Дмитлагда 1 923 ўзбек бўлган. Демак, унғача

Ўзбеклар сони кўп бўлган, бир қисми очликдан, оғир меҳнат ва касалликдан ўлиб кетган” (Р.Шамсутдинов ва бошқалар. Тарихнинг ҳасратли саҳифалари.”Шарқ”, 2006 йил. 230 бет).

Табиийки, улар орасида Хоразмликлар ҳам бор эди. “Катта террор” авжига чиққан даврда улар орасидан қуйидагилар қамоққа олинади:

Бобожонов Жуманазар – 1903 йилда Хонқа тумани Саучен(русча матнда шундай дея ёзилган) қишлоғида туғилган, қулоқ оиласидан, партиясиз, мустақил мутолаа йўли билан савод чиқарган. 1932 йилда 10 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Дмитлагдаги “Техника” шаҳарчасида соқчи бўлиб ишлаган. 1938 йил 31 мартда Дмитлагда қамоққа олинган, аксилинкилобий тарғиботда айбланиб, отувга ҳукм этилган.

Исаев Ражаб – 1900 йилда Хоразм округи Сахтиён қишлоғида туғилган. Ўзбек, партиясиз, маълумоти қуйи, колхозчи бўлиб ишлаган. 1936 йили 10 йилга МТЛга ҳукм қилиниб, жазони Дмитлагда ўтаган. 1938 йил 1 февралда ҳибсга олиниб, советларга қарши тарғибот олиб борганликда айбланиб, отувга ҳукм қилинган. Ҳукми 1938 йил 17 февралда ижро этилган.

Каримов Қурёз – 1908 йилда Хонқа туманида туғилган. Ўзбек, қулоқлар оиласидан, колхоздаги умумий ишларда машғул бўлган. Хотини Қурбонова Ҳайитгул 26 ёшда бўлган. Хонқа тумани Қўниз қишлоқ советида яшаган. 1930 йили қулоққа тортилган. 1934 йили ОГПунинг Ўрта Осиёдаги дсимий вакилиги “Учлиги” томонидан РСФСР ва ЎзССР ЖКнинг 58 ва 59-3 моддалари билан 5 йилга МТЛга ҳукм этилган. Жазони Дмитлагнинг Волга участкасидаги умумий ишларда ўтказган.

Қурёз Каримов “маҳбуслар орасида советларга қарши тарғибот олиб боргани учун “1938 йил 10 февралда қамоққа олиниб, 18 февралда НКВДнинг Москва вилоят “Учлиги” қарори билан отувга ҳукм қилинади. Ҳукми 1938 йил 26 февралда ижро этилган.

Матёқубов Самандар – 1901 йилда Хонқа тумани Қулонқорабоғ қишлоғида туғилган. Қулоқ, 1933 йилда давлат топшириғини бажармагани учун 3 йилга, 1934 йилда колхозга

қарашли хайвонни ўғирлашда айбланиб 8 йилга камокқа ҳукм қилинган. Жазони Дмитлагда ўтаган. У “махбуслар орасида совет ҳокимиятига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганлик”да айбланиб, 1938 йил 4 февралда камокқа олинади. У 1938 йил 11 февралда РСФСр ЖКнинг 58-10 моддаси 1 банди билан Москва вилоятидаги “Учлик” қарори билан отувга ҳукм қилинади. Ҳукм 1938 йил 17 февралда ижро этилган. Унинг жиноий ишида оиласи ҳақида шундай маълумот келтирилган: хотини Зиёда 35 ёшда, қизлари Робия 8 ёшда, Сўна 6 ёшда, ўғиллари Абдурахим 13 ёшда, Қурбонбой 11 ёшда, бўлиб Хонқа тумани Қулон-қорабоғ қишлоғида яшашган.

Исмоилов Аваздат – 1894 йили Хонқа тумани Каттажирмиз қишлоғида туғилган. 1927 йилгача ўз қишлоғида имомлик қилган. Колхозда ишлаган. 1935 йили 10 йил муддатга МТЛга ҳукм қилинган. Жазони Дмитлагда ўтаган. Махбуслар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланиб, 1937 йил 7 октябрда қамалган ва 1937 йил 16 ноябрда отув жазоси қўлланилган. Унинг Бекажон исмли 30 ёшли хотини, Қурбонбой исмли 7 ёшли қизи ва 3 ёшли Машариф исмли ўғли бўлган.

Отажонов Собир – 1912 йилда Гурлан тумани Эшимжирон қишлоғида туғилган. Қулоқ. 1932 йил 7 августда 10 йил камок жазоси берилган, жазони Дмитлагда ўтаган. 1938 йил 16 мартда камокқа олинган, 1938 йил 20 майда аксилинқилобий тарғиботда айбланиб, отувга ҳукм этилган. Ҳукм 1938 йил 27 майда ижро этилган. Унинг Розия исмли 28 ёшли хотини ва Ойимча деган 6 ёшли қизи бўлган.

Отажонов Бобо – 1907 йили Янги Урганчда туғилган. Қулоқ. 1932 йил 23 июлда 7 йилга камок жазосига ҳукм қилинган. Унинг бу пайтда 34 ёшли акаси Отажонов Матрасул, 28 ёшли укаси Отажонов Эшниеъ ҳам Ўрта Осиё лагерида камокда бўлган. Отасининг 1 та уйи, ёғ чиқарадиган жувози, 1 сигири, 9 хўқизи бўлгани учун қулоқ қилинган. У Ворошиловнинг портретини атайин тушириб, уни йирғиб ёкиб юборганликда, махбуслар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланиб,

Москва вилоятидаги “Учлик” томонидан 1937 йил 16 ноябрда отувга ҳукм қилинган. Ҳукм 1937 йил 16 ноябрда ижро этилган.

Хуллас, кулоқ сифатида ўз жонажон юртларидан бадарға қилиниб, меҳнат тузатув лагерларида ҳукмни ўтаётган юртдошларимиз ҳаёти “Катта террор” даврида янада аянчли бўлди. Улар яна қайтадан турли тўқима айблар билан қатағон қилинди.

Кулоқ қилинганларнинг юртга қайтиши эса анча қийин кечиб, анча йилларга чўзилди. Дастлаб бу борада “ собиқ иттифоқ Марказий Ижроия Комитети 1934 йил 27 майда махсус қарор чиқариб, сургундагиларнинг сайлов ҳуқуқини тиклаганди. Бу мантиқан кулоқ қилиниб меҳнат посёлкаларига сургун қилинганларнинг аввалги ўз жойларига кўчиб келишини тақозо этарди. Натижада қарор чиққандан то 1934 йилнинг 1 ноябрига қадар мамлакат бўйича 8505 оила – 31364 кишининг сайлов ҳуқуқи тикланди. Оқибатда меҳнат посёлкаларида бор-йўғи 2488 оила, яъни 7857 киши қолди, қолганлари ўз жойларига қайтиб келди.” (Р.Шамсутдинов “Ўзбекистонда Советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари”, Т, “Шарқ” 2001, 287 бет).

Бироқ бу ҳолат собиқ иттифоқ ҳуқуқ тартибот идораларини ташвишга солди. Масалан, Лагерь бошқармаси бошлиғи М.Берман 1935 йил 2 январда Ички Ишлар халқ комиссари Г.Г.Ягодага йўллаган рапортида махсус кўчқиндиларнинг фуқаролик ҳуқуқини оммавий тиклашни таъқиқлаб қўйиш, ҳуқуқи тикланганларни эса сургун жойларидан ўзларининг аввалги яшаш жойларига юбормасликни талаб қилиб чиқади. Рапорт билан танишган Г.Г.Ягода сайлов ҳуқуқи тикланганларни яна ўзларининг жойларига қайтармаслик керак, агар бу ҳақда қонун бўлмаса, у ҳолда Марказий Ижроқўмга мурожаат қилиш керак, рақамларни келтириб хат тайёрланг, дея кўрсатма беради. Г.Г.Ягода бу билан кифояланмасдан В.И.Сталинга мурожаат қилади. Натижада 1935 йил 25 январда Марказий Ижроия Комитетнинг қарори эълон қилинади. Унда гарчанд собиқ кулоқларга сайлов

хукуки берилгани билан уларнинг сургун жойларидан ўзларининг аввалги яшаган жойларига кетишига рухсат берилмайди, деб уктирилади. Хуллас, сургундаги одамлар аввалгидек хукуки чекланганлигича қолаверадилар.

ВКП(б) МК ва Халқ Комиссарлари Советининг 1935 йил 15 ноябрдаги қарорига кўра, “собик қулоқлар”, яъни “меҳнат сургунидагилари”нинг фарзандлари тўлиқсиз ўрта мактабни битирган бўлсалар улар техникум ва бошқа ўрта махсус ўқув юртларига кириш, ўрта мактабларни битирганлар эса олий ўқув юртларига кириш хукукига эга бўлдилар. Натижада меҳнат сургуни қишлоқларида эркин кишилар сони кўпаяверди.” Бундайлар 1932 йили 4234 кишини ташкил қилган бўлса, 1936 йилда бу рақам 43228 га етди”. (Р.Шамсутдинов, юкоридаги асар, ўша нашр, 288 бет). 1936 йил 5 декабрда қабул қилинган Собик СССР Конституциясидан қулоқлар жуда умидвор бўлишганди. Чунки, конституциянинг 135-моддасида “Меҳнат кўчкндилари” ҳам тенг хукукли фуқаролар дея эълон қилинганди. Аммо бу шунчаки қоғоздаги эркинлик эди. Натижада қулоқлар орасида умидлари пуч бўлиб қочиб кетиш ҳоллари кучаяди. Масалан, 1932 йилдан 1940 йилгача “қулоқлар сургуни”дан 629042 киши қочади. Шу давр ичида қочганлардан 235120 киши меҳнат посёлкаларига қайтариб олиб келинади.

1938 йил 22 октябрда Халқ Комиссарлари Совети “Махсус кўчкндилар ва сургун қилинганлар фарзандларига паспортлар бериш тўғрисида” қарор қабул қилади. Унга асосан, сургун қилинганларнинг фарзандларига 16 ёшга тўлиши билан умумий қоидага мувофиқ паспорт бериладиган бўлди. Улар энди ўқишга бориш, ишга кириш, ҳатто меҳнат посёлкасини тарк этиш хукукига эга бўлдилар. Эркин фуқаролик билан турмуш қурган махсус кўчириб келтирилганлар “қулоқлар сургуни” ни тарк этишлари ҳам мумкин эди. Натижада “ўша 22 октябрдаги қарорга мувофиқ 1939 йили 1824, 1940 йили эса 77661 киши озод қилинди. 1939-1940 йиллари ўқишга бориш билан боғлиқ

тарзда 18451 киши озод бўлди.” (Юқоридаги муаллиф, ўша асар, 289 бет).

НКВДнинг 1939 йил 3 июндаги “Меҳнат кўчкдилари ногиронларини озод қилиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ҳам маълум миқдорда “собик қулоқлар” озод этилди. Бироқ 1941 йилнинг дастлабки ойларида “қулоқлар сургуни”да аҳолининг кўпайиши юз берди. “1941 йилнинг биринчи чорагида меҳнат кўчкдилари 930221 кишидан 960133 кишига ортди, 3 ойда 77703 киши қўшилди, улардан туғилганлари 5476 киши эди. ГУЛАГ бошлиғи М.Берманнинг 1933 йил 20 майдаги маърузасида айтилишича, Ўзбекистон ҳудудидаги меҳнат посёлкаларидаги сиёсий комендатуралар ихтиёрида 841 оила ёки 4560 махсус кўчкдилар бўлган. 1941 йил 1 январда Ўзбекистоннинг 13 та меҳнат посёлкасида яшаётган 3321 оилада 11974, 1946 йил 1 январда эса 2384 оилада 7348 махсус кўчкдилар бўлган.” (Р.Шамсутдинов, ўша асар, 289 бет).

1941-1945 йилларда уруш “қулоқлар сургуни” даги аҳволга ғоят катта ўзгариш киритди. Олдинга, “қулоқлар” ва уларнинг фарзандлари армия сафига олинмади, ёки мамлакат ичкарасига эвакуация қилиниб меҳнат фронтларига сафарбар этилди. 1942 йил 11 апрелда Давлат Мудофаа Комитети собик қулоқларни ҳарбий хизматга чақиришга қарор қилди. Шундан бошлаб “қулоқлар сургуни” тарихида бутунлай янги босқич бошланди. Ички Ишлар Халқ Комиссарлиги 1942 йил 22 октябрда 002303-сонли буйруқ эълон қилди. Унда бир ой муддат ичида қизил армияга чақирилган барча меҳнат сурғунидогиларни ва уларнинг оила аъзоларини меҳнат посёлкалари ҳисобидан чиқариш, уларга чекловсиз паспорт бериш, улар ойлигидан 5 фоизини ушлаб қолишни бекор қилиш кўрсатилди. Аммо бу директив кўрсатма келгунга қадар немис фашистлар босқини остида қолган ҳудудларда аҳвол бошқача кечган эди.

Бу ўринда Украинанинг Херсон вилоятидаги вазиятни мисол келтириш мумкин. Бу вилоятнинг Голопристан, Каховский ва

Скадовский туманларидаги меҳнат посёлкаларида ўзбек, туркман, қирғиз “қулоқ”лари яшарди. Голопристан тумани 1941 йил 11 октябрда, Каховский тумани 1 сентябрда, Скадовский тумани 13 сентябрда душман босқини остида қолди.

Кекса журналист Алиназар Эгамназаров ўзининг “Оқловдан сўнг” (Т, “Янги аср авлоди” нашриёти 2011 йил,) китобида Скадовск туманида яшаган Исроил Юнусхоновнинг хотираларини чоп этган. И.Юнусхонов ўз хотираларида уруш даврини шундай эслаб ўтган: “Хуторда биз турган жойларга фашистлар қелишди. Душман қўл остида плугга сугир қўшиб, ер хайдаганмиз (Совхоздаги ҳамма отлар мамлакат ичкарасига хайдаб кетилгани учун фашистлар уйлардаги сугирларни плугларга қўшиб ер хайдашга мажбур қилишган эди). Хуторда эркаклар ҳам йўқ, далада, асосан, аёллар ва болалар ишлашарди. Бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Қаттиқ шамоллаб, иситмам кўтарилиб, уйда танча ёнида ётган эдим, кимдир мени чақириб қолди. Ўрнимдан аранг туриб, деворни ушлаб кўчага чиқсам, эшик олдида немис комендант билан украин полицайи турибди.

Мендан ишга чиқмаганлигимнинг сабабини суриштиришди. Мен касалман, иситмам бор дедим. Комендант қўли билан имлаб: “Бери кел”, деди, ёнига бордим. Шунда у қўлидаги резина таёк билан елкамга шунақа урдик, кўзимдан олов чиқиб кетгандай бўлди, гандирақлаб бориб, уч-тўрт қадам нарига йиқилдим.” Арбайт! Арбайт!” деб бақирди фашист.

Қарасам, у яна урадиган бор кучимни йиғиб ўрнимдан турдим-да, далага югурдим. Ўша воқеани эсласам, ҳамон елкам зирқирайди. Херсонни совет армияси озод қилгач, совхоз қайта тикланди. далада ишлаб, буғдой экдик, ўриб, янчдик, уларни фронт эҳтиёжи учун топширдик” (ўша китоб, 302-303 бетлар).

Қизил армия юқоридаги учала туманни фақат 1943 йил ноябридагина озод қилаолди. Херсон шаҳри эса 1944 йил мартдагина озод этилди. Херсон вилоятидаги меҳнат посёлкаларидан 5250 киши кетиб қолганди. Улар совет қўшинлари келгунича ўз меҳнат посёлкаларида яшаётгандилар.

Чекинаётган душман билан бирга кетганлар ҳам бор эди. Уларнинг бир қисми ихтиёрий, бир қисми кўрkitув йўли билан мажбуран олиб кетилганди. 1944 йилнинг баҳор, ёз ва кузи давомида немислар олиб кетган махсус кўчкиндиларнинг кўпи қайтиб келган. Аммо Херсон вилоятидаги махсус кўчкиндилар сони камайиб борган. Чунки 1944 йил мартда 1955 киши турли сабаблар билан меҳнат посёлкаларини тарк этишган. Улардан 275 таси қизил армияга чакирилган ва ҳарбий саноатда ишлаш учун меҳнат фронтига юборилган.

НКВД Херсон вилояти бошқармаси 1944 йил декабрида махсус сургундагилар бўйича бўлим ташкил этиб, аввалги “қулоқлар сургуни” ни ташкил этишга киришади. Уруш даврида, совет кўшинлари келган дастлабки ойларда ҳар томонга тарқалиб кетган меҳнат кўчкиндилари яна махсус посёлкаларга келтирилади. 1945 йил апрелида бу вилоят бўйича “қулоқлар сургуни” дагилар сони 5570 кишига етганди.

Уларнинг катта бир қисми ўзбек “қулоқлари” эди. Ички ишлар халқ комиссарлиги билан Бош прокуратура 1946 йил 28 сентябрда “Собиқ қулоқларни, махсус кўчкиндиларни махсус посёлкалардан озод қилиш тўғрисида” 000868 / 208-сонли кўшма қарорини эълон қилди. Унга кўра урушда ишгирик этган, ҳукумат орден ва медаллари билан тақдирланган, махсус кўчкинди бўлмаган кишилар билан турмуш қурган собиқ қулоқ аёллар меҳнат посёлкаларидан озод қилинадиган бўлди.

“Собиқ қулоқлар”нинг юртларига қайтиши кенг оммавий тус олди. 1949 йил 1 январь ҳолатига кўра “қулоқлар сургуни”да бор-йўғи 130463 киши қолган эди. Шу вақтда “ўзбек қулоқлари” истиқомат қилаётган Херсон вилоятининг Голопристан, Каховский ва Скадовский туманларида ҳаммаси бўлиб 379 “қулоқ” қолганди.

Хуллас, қулоқларнинг юртга қайтиши учун 16-18 йил керак бўлди. Ана шу муддат давомида улар табиати, иқлими бошқа Украина бағрида ҳуқуқлари чекланган, зўравонлик асосида ҳаёт кечиринди. Бироқ қайтиб келган қулоқларга ҳам

совет мустабид тузуми ишонмай, кузатув остига олиб қўйган. Масалан, “Хоразмдан 1930 йилда Украинага сургун қилинган Матсафо ва Пошшахонлар ҳам у ерда туғилган ўғли билан 1947 йилда ўз элига қайтиб келишади. Ватанга келиши билан қўшни ва қариндошларини чақириб элга ош тортади.

Ўша куни меҳмонлардан баъзилар Матсафога қарата “сизлар Украинада пайтингизда у ерни немислар босиб олишганди-ку, улар қандай инсонлар экан” дея савол беради. Матсафо эса “немислар ҳам бизга ўхшаган инсон экан, илгаригидек колхозда ишлаб меҳнат қилдик, намоз ўқиб рўза тутдик, бизга тегишмади” дейди. Урушдан кейинги фашистларни ёппасига коралаш пайтида айтилган бир оғиз гапи учун Матсафонинг бу гапи НКВДга етказилиб, уни “немисларни мақтаган собиқ кулоқ” дея суд қилиб 25 йилга қамашади.

Фақат у Сталин вафот этиб, Хрушчёв даврида 1955 йилдагина юртига қайтиб келади. 1938 йили Украинада туғилган ўғли Матюсуф ҳам туман матлубот жамиятида ишлаётганида йиғилишлар унинг иштирокисиз ўтказилган, хатто ариза ёзсада партиёга олишмаган экан” (У.Бекмуҳаммад “Кулоқ қилинганлар ҳаёти”, “Турлан ҳаёти” 2008 йил 8 июль).

Хуллас, ана шу биргина фактдан ҳам аёнки, кулоқлар ўз юртларидан бадарға қилингани етмагандек, улар юртга қайтгач ҳам кузатув остида бўлиб, фарзандларига ҳам ишончсизлик билан қарашган. Бу совет ҳукуматининг диктатурага асосланган давлат эканлигини кўрсатади. Шукрки, мустабид тузум 1991 йил ўз чоҳига қулади ва Ўзбекистон истиқлолга эришди.

Айнан истиқлол туфайлигина совет даврининг фожеали тарихини, хусусан кулоқ қилинганларнинг сургундаги ҳаёти, уларнинг “Катта террор” давридаги тақдирини ўрганш имконияти яратилди.

Рисолани нашр этишда берган амалий ёрдамлари учун профессор Рустамбек Шамсутдинов ва таниқли адиб Нурали Қобулга миннатдорчилик билдириб қоламиз.

МУНДАРИЖА:

Муқаддима.....	3
Қулоқларни сургун қилиш жараёни ва унга қарши деҳқонларнинг норозилик чиқишлари.....	5
Қулоқ қилинган хўжаликларнинг сургундаги қисмати.....	35
Собиқ қулоқларнинг катта террор даврида қатағон қилиниши. Сургундагиларнинг юртга қайтиши.....	48

УМИД БЕКМУҲАММАД

СУРГУН

*(СОВЕТЛАРНИНГ ХОРАЗМДА АМАЛГА ОШИРГАН
ҚУЛОҚЛАРНИ СУРГУН ҚИЛИШ ЖАРАЁНИ. СУРГУНДАГИ
ҚУЛОҚЛАР ҲАЁТИ)*

Мухаррир: **Исмоил ОЛЛАБЕРГАНОВ**
Техник муҳаррир: **Фарход ИБОДУЛЛАЕВ**
Саҳифаловчи дизайнер: **Акбар БОБОЖОНОВ**

Босмаҳонага берилди: 17.02.2020 й.

Босишга руҳсат қилинди: 18.03.2020 й.

Бичими 60x84 1/16

Ҳажми: 3,75

Адади: 100

Буюртма: 16

Баҳоси келишилган нарҳда

“Қуванчбек-Машхура” МЧЖ нашриёти

E-mail: quvanchbek_mashxura@mail.ru

Тел: 223-11-88, 223-16-49

“Қуванчбек-Машхура” МЧЖ

босмахонасида босилди.

Урганч шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 106-уй.



Умид Бекмуҳаммад 1975 йилда Гурлан туманида туғилган. 1997 йилда Урганч Давлат университетини тугатган. “Олтин Мерос” жамғармаси, маънавият ва маърифат маркази вилоят ва туман бўлимларида, бир қатор матбуот нашрларида, Гурлан тумани ҳокимлигида, Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармасида, вилоят туризмни ривожлантириш департаментида, Урганч Давлат университетида ишлаган. Айни пайтда Хоразм Маъмун академиясида фаолият олиб бормоқда.

У.Бекмуҳаммаднинг 35 та тарихий китоблари “Хоразмга талпинган Пушкин” роман-эссеси иштирок этилган.

